

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ

**«Тошкент ислом университети»
нашриёти — 2002**

Масъул муҳаррир — З.Исломов

Таҳрир ҳайъати: Ҳ.С.Кароматов, З.Ҳусниддинов, А.Мансуров, У.Уватов, А.Абдуллаев, Л.Маҳмудов

Буюк алломаларимиз /Таҳрир ҳайъати: Ҳ.С.Кароматов, З.Ҳусниддинов, А.Мансуров ва бошқ.; Масъул муҳаррир: З.Исломов.—Т.: «Тошкент ислом университети», 2002.—80 б.

Ушбу китоб миллатимизнинг фахру ифтихори, гавҳари бўлмиш атоқли бобокалонларимизнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятига бағишланган.

Агар Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби улугларимизнинг номлари китобхонларимизга нисбатан таниш бўлса, Абу Мансур ал-Мотуридий, Ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абул-Муъин ан-Насафий, Қафқол Шоний каби алломалар мустақиллик шарофати билан авлодлари бағрига қайтдилар ва бугун уларнинг илмий мероси фаол ўрганилмоқда.

Китоб содда, раван тилда ёзилган, мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж талабалари ҳамда тарихимиз, маънавий меросимиз билан танишишни истаган барча китобхонларга мулжалланган.

ББК 72.3(5У)

МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ (783—850)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий манбалардаги маълумотларга кўра, тахминан 783 йили таваллуд топган ва 850 йилда вафот этган деб тахмин қилинади. Олим Европада “Алгоритмус” (“Algorithmus”) номи билан машҳур бўлган. У ўз илмий фаолиятининг катта қисмини Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма” (“Ҳикматлар уйи”)да ўтказган. Мазкур илмий даргоҳ халифа Маъмуннинг шахсий эътибори остида бўлиб, маълум муддат Хоразмий тарафидан бошқаришган. Шу сабабдан ҳам Маъмун ва Хоразмий ораларида муносабатлар дўстона бўлган. Маъмун Хоразмийни олим сифатида қадрлаган, “Байт ал-ҳикма” каби масканнинг бошқариш ишларини унга ишониб топширган. Манбаларда Ал-Хоразмийнинг ёшлик йиллари ҳақидаги маълумотлар сақланмаган. Аммо, у дастлабки таълимни ўз она юртида олган ва олим сифатида ҳам шу ерда шаклланган бўлиши керак. Сўнгра, Ўрта Осиёнинг бошқа қўллаб алломалари сингари Бағдодга кўчиб ўтди ва ўша ерда ижод қилади.

Ал-Хоразмий ўзидан аввалги ҳинд ва юнон олимларининг асарларини пухта ўзлаштирди, уларга ижодий ёндошди ва ривожлантирди. У ҳозирги замон математика фанининг бир қанча тармоқ ва фундаментал концепцияларининг асосчисидир. Жумладан, у замонавий алгебра фанига асос солган олим ҳисобланади. Ал-Хоразмий мазкур фанни нафақат маълум бир тизимга солди, балки бу фандаги олдий ва мураккаб квадрат тенгламаларнинг таҳлили ечимини ишлаб чиқди. Ҳозирда бутун дунёда қўлланиладиган алгебра сўзининг ўзи ҳам олимнинг машҳур “Ал-Жабр вал-муқобала” номли китобидаги биринчи сўздан олинган бўлиб, Европада ўзгартирилиб “алгебра” шаклида ёзилган ва талаффуз қилинган. Кейинчалик бу сўз фанда шундайлигича ўрнашиб қолди.

0 (ноль) сонининг ишлатилиши ҳам Ал-Хоразмий томонидан расмий равишда арифметикага олиб киритилган, шу

туфайли ҳозир фойдаланилаётган сонларнинг ўнлик позицияцион тизими бутун дунёга тарқалди.

Муаллифнинг сонлар тизими ҳақидаги асарларидан бири Европада “Алгоритм” (“Algorizm”) номи билан танилди ва замонавий алгоритм сўзининг келиб чиқиши мана шу асарга бориб тақалади. У арифметика фанидаги қатор ҳисобларни, хусусан, касрлар билан бажариладиган амалларни ҳисоблашни янги микёсларга кўтарди.

Ал-Хоразмий математикадан ташқари астрономия илмида ҳам ўчмас из қолдирди. Олим бу фаннинг турли мавзуларига оид бир қанча илмий мақолалар ёзган бўлиб, уларнинг энг машҳури “Астрономияга оид жадваллар” (“Зиж”) деб аталади.

Тадқиқотчиларнинг яқдил фикрига кўра, Ал-Хоразмийнинг астрономия соҳасидаги буюк хизмати шундаки, у эҳтиёж туғилган пайтда шундай бир асар яратиб, бу билан астрономияни Улугбек давригача, яъни бир неча асрга татиғулик даражада андозага келтирди. Хоразмийдан кейинги барча астрономлар ўз зиждлари учун унинг “Зиж”ини намуна қилиб олдилар.

Ал-Хоразмий география фанининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг “Ернинг тасвири” (“Сурат ал-ард”) китоби ўрта аср араб халифалигида яратилган дастлабки ва муҳим географик асарлардан бири бўлган. Китобда муаллиф нафақат Пталомейнинг географияга оид қарашларини шарҳлаб таҳлил этади, балки бу қарашларга қатор ўзгаришлар киритиб, уларни ривожлантиради.

Ал-Хоразмий қаламига мансуб йигирмадан ортиқ асарнинг фақат ўнтаси бизгача етиб келган бўлиб, улар дунёнинг қатор қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Мазкур асарларнинг баъзилари ўрта асрларда ғарб тилларига таржима қилиниб, Европада катта шухрат қозонган. Бу борада олимнинг ватани — Ўзбекистонда ҳам катта ишлар амалга оширилган. Унинг баъзи асарлари рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган, тадқиқ этилган, муаллифнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий меросига бағишланган қатор китоб ва мақолалар чоп этилган.

Машҳур фан тарихчиси Жорж Сартоннинг таъбири билан айтилганда, “Ал-Хоразмий ўз даврининг энг буюк математиги ва агар барча шарт-шароитлар назарга олинса, ҳамма даврларнинг ҳам энг буюк инсонларидан бири ҳисобланади”.

ИМОМ- АД-ДОРИМИЙ (798—869)

Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдуorraҳмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ибн Абдусамал ат-Тамимий ас-Самарқандий ал-Доримий юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаллис-лардан биридир. Имом ал-Доримий ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта асрларда яшаган машҳур араб муаллифларининг асарларида учрайди. Мана шу асарлар жумласидан ал-Хатиб ал-Бағлодийнинг “Тарихи Бағлод”, Шамсулдин аз-Заҳабийнинг “Сияр аълом ан-нубало” (“Олийжаноб аллома-лар сийратлари”), “Тазкират ал-хуффо” (“Ҳофизлар ҳақида тазкира”), Ибн ал-имод ал-Ҳанбалийнинг “Шазарат аз-заҳаб фи ахбори ман заҳаб” (“Дунёдан ўтиб кетганлар ҳақида олтин парчалар”), Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд уламолари ҳақида қанддек (ширин) китоб”) китоблари кўрсатиш мумкин. Мана шу асарлардаги маълумотлардан маълум бўладики, Ал-Доримий ҳижрий 181 (милодий 798) йилда Самарқанднинг қадимий мавзеларидан бири Доримда таваллуд топган. Абдуллоҳ ибн Абдуorraҳмон ал-Доримий ёшлик чоғларидан бошлаб фавқулудда ақл-заковати, ўткир зеҳни, айниқса, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги билан барчани ҳайратта солган. Унинг ўз тенгқурларига нисбатан ғайритабiiий иқтидори ва алоҳида салоҳияти шу қадар зўр бўлган эканки, ҳатто бу хусусда халқ орасида бир қанча ривоятлар юрганлиги ҳақида манбаларда қайд қилинади. У диний ва дунёвий фанлар, айниқса, ҳалис илми бўйича дастлабки билимни ўз юрти Самарқандда олиб, сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган марказлар — Қоҳира, Дамашқ, Бағлод, Макка, Малина шунингдек, Хуросоннинг турли шаҳарларидаги таниқли олимлардан таҳсил олади. Бир неча йиллик сафарлари давомида Имом ал-Доримий Язид ибн Ҳорун ал-Воситий, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Абул-Муғийра ал-Фирёбий, Абдусамал ибн Абдулворис, Яҳё ибн Ҳассон, ал-Асвал ибн Омир, Бишр ибн Умар аз-Заҳроний ва бошқа кўн-дан-кўн ўз даврининг етук муҳаллис-ларидан ҳалис-лар ўрганади. Илм йўлида узоқ йиллар тинимсиз кўрсатган саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида Ал-Доримий ҳалис, тафсири ва фикҳ илмларининг алломаси даражасига кўтарилди. Имом ал-Доримий ҳазратлари айниқса, йирик

ҳадисшунос олим сифатида катта шухрат қозонган. Унинг ҳақида ёзган муаллифларнинг аксарияти яқинлик билан “Имом ад-Доримийнинг Самарқандда ҳадис ва археология (а.т.-Осор) илмларининг раванқ топишида улкан ҳиссаси бор”, деб алоҳида таъкидлаганлар. Ўз даврининг илм аҳдлари ўртасида беқиёс обрў эътиборга эга бўлган Имом ад-Доримий бир қанча муддат Самарқандда Шайхулислом бўлган. Шунингдек, манбаларда таъкидланишича, табиатан вазмин, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй, инсоф ва диёнати баркамол, ҳар қандай вазиятда ақл-идрок, чуқур тафаккур ва мулоҳаза билан иш юритгани боис, Султон томонидан Имом ад-Доримий ҳазратлари Самарқанднинг қози калони (Бош қози) лавозимга тақриф қилинади. Аллома аввалига рад жавобини берса ҳам, лекин Султон ўз фикрида қатъий туриб олгач, рози бўлади. Бироқ қозихонада атиги битта иш кўрилгач, у ўзини ушбу лавозимдан озод этишларини илтимос қилади. Ва пировардида унинг илтимоси қондирилади.

Имом ад-Доримийнинг илмий-маънавий меросини “Ал-Муснал”, “Ат-Тафсир”, “Ал-Жомийъ”, “Ас-Сулосиёт фил-ҳадис”, “Китоб ас-сунна фил-ҳадис” ва “Китоб саум мустохозотий вал-мутаҳаййиротий” каби асарлари ташкил этади. Алломанинг энг машҳур асари “Ал-Муснад” бўлиб, бу асар “Сунан ад-Доримий” номи билан машҳур. Асарнинг икки жилддан иборат нашри 1996 йилда Ливан пойтахти Баїрутдаги “Дор ал-кулуб ал-илмиййа” матбаасида чоп этилган. Ушбу икки жилдлик асар муҳаддимадан (у 57 кичик бобларни қамрайди) ҳамда 23 китобдан иборат бўлиб, ўз навбатида ҳар бир китоб ҳам кўп сонли боблардан ташкил топган. Ўътиборли томони шундаки, Имом ад-Доримий ўз асари “Сунан” да келтирган ҳадисларни деярли у яшаган даврда фаолият кўрсатган буюк муҳаддислар — Ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ас-Сижистоний, Ат-Термизий, Ан-Нисоий, Ибн Можа ва бошқа кўплаб таниқли ҳадисшунослар ўз асарларида келтирганлар. Масалан, Имом ад-Доримий ўз асарида келтирган “ҳовлисида хурмо дарахти бор хонадон аҳли ҳеч қачон оч қолмайдн” ёки “энг яхши нонхуруш (приправа) сиркадир” каби ҳадисларни юқорида зикр қилган кўпчилик муҳаддислар Имом ад-Доримийдан ривоят қиладилар.

Маълумки, Имом ад-Доримий ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратларидан ўн уч ёш катта бўлган бўлса-

да, улар бир, яъни тўққи зинчи юз йилликда ҳадислар билан астойдил шуғулланганлар. Шу боис, бу иккала буюк муҳаддис бир-бирларини шахсан билганлар. Ҳатто айтиш мумкинки, яқин илмий муносабатда бўлганлар. Бу фикримизга далил тариқасида тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Сияр аълом ан-нубало” номи асарида келтирилган куйидаги маълумотни кўрсатиш мумкин. Исоҳқ ибн Аҳмад ибн Халлаф шундай деган: “Бир кун устоз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Шу пайт устозга бир мактуб келтирилди. унда Абдуллоҳ ибн Абдулрахмон ал-Доримийнинг вафоти (у Имом ал-Бухорийдан атиги 1 йил олдинроқ — 869 йилда вафот этган) ҳақида хабар қилинган экан. Бу ноҳус хабардан устоз чуқур қайғуга ботиб, бошини куйи эгди. Бир муддатдан кейин бошини кўтариб кўзлари лиммо-лим ёшга тўлган ҳолда ҳасрату ғамгинлик билан “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун” (“Биз Аллоҳга мансубмиз ва албатта унга қайтажакмиз”) оятини айтиб “сенинг тирик бўлишинг учун дўстлар ҳаммаси жонларини фидо қилишга тайёр эдилар-ку”, деб юзларига фотиҳа тортдилар”.

Мана шу муҳтасар лавҳадан ҳам кўриниб турибдики, Имом ал-Бухорийнинг аллома Имом ал-Доримийга нисбатан эҳтироми чексиз бўлган. Мавриди келганда айтганидан бўлсак, Имом ал-Доримий даҳосига ўз вақтида машҳур олимлар гоътада юксак баҳо берганлар. Муҳаддис Абу Шадлод: “Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Доримий ҳадис илмида бамисоли бир денгиз эди”, деб таъкидлаган бўлса, Муҳаммад ибн Бушор исми таниқли олим: «Номи чиққан Куръон ҳофизлари дунёда тўртта бўлиб, Райда Абу Зуръа, Нишопурда Муслим ибн ал-Ҳажжож, Самарқандда Абдуллоҳ ибн ал-Доримий, Бухорода Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий”, деган.

Йирик ҳадисшунос олим Абдулрахмон ибн Аби Ҳотим отасидан ривоят қилиб: “Абдуллоҳ ибн Абдулрахмон ал-Доримий ўз замонидаги барча донишмандларнинг имоми бўлган”, деб ёзган эди.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўлаётирки, бундан ўн икки аср муқаддам янаб ўтган ватандошимиз Имом ал-Доримий ҳазратлари ўз лаврининг буюк алломаларидан бири бўлган. Биобарин, унинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиб, кенг халқ оммасига етказиш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ (798—865)

Европада Алфраганус (Alfraganus) номи билан танилган Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний ўрта асрларнинг энг кўза кўринган астрономларидан эди. Олимнинг исми фақат тарихида машҳур бўлишига қарамасдан, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Унинг туғилган йили маантиқий ҳисоблар натижасида 798 йил деб топилган.

Афеуски, манбаларда Аҳмад ал-Фарғонийнинг ёшлик йиллари ҳақидаги маълумотлар умуман сақланмаган. У Фарғонада туғилган ва ўз она юртида бошланғич таълим олиб, олим сифатида шаклланган.

Олим кейинчалик Бағдод шаҳрига кўчиб ўтиб, халифа Маъмун саройидаги бошқа астрономлар билан бирга ўша ердаги машҳур Бағдод илмий мактаби — “Байт ал-ҳикма” (“Ҳикматлар уйи”)да ижод этади. Маълумки, Бағдодда Ҳорун ар-Рашиднинг ўгли халифа Маъмуннинг ҳукмронлиги даврида (813—833) Аҳмад ал-Фарғонийдан ташқари Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Аббос ал-Жавҳарий, Аҳмад ал-Марвазий, Яҳё ибн Абу Мансур, Абдулҳамид ибн Турк ал-Хутталиий каби ўрта Осиё астрономлари донг таратганлар. Умуман, Бағдод илмий мактабида фаолият кўрсатган донишмандларнинг аксариятини ўрта Осиё астрономлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бу қатор илмий алабиётларда ўз ишотини тошан.

Аҳмад ал-Фарғоний юқорида исмлари тилга олинган олимлар билан бирга Бағдод ва Дамашқ шаҳарларида олиб борилган астрономик тажрибаларда фаол қатнашган. Жумладан, у 832—833 йиллари Сурия шимолидаги Синжор саҳросида ер меридианининг бир даражаси узунлигини ўлчашда ишгирок этади. Бундан ташқари, олим 861 йили Қоҳира атрофидаги Равдо оролига ўрнатилган нилометрни таъмирлаган. Нил дарёси сувининг миқдорини ўлчаш учун мўлжалланган бу жиҳоз аслида 750 йили қурилган бўлиб, у биринчи марта 814—815 йили халифа Маъмун, иккинчи марта эса 861 йили Мугаваккил даврида ислоҳ этилади. Нил дарёси бўйида қурилган бу қадимги гидротехника иншооти Миср қишлоқ ҳўжалиги учун ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, уни Аҳмад ал-Фарғоний тарафидан таъмирланиши олимнинг иқтидор-

ли муҳандис ҳам эканлигидан далолат беради. Манбаларда ал-Фарғонийнинг муҳандислик фаолияти, яъни унинг ал-Жаъфариййа шаҳрида суғориш каналини қозиш ишида иштирок этгани ҳақида маълумотлар келтирилади.

Афтидан, Аҳмад ал-Фарғоний умрининг сўнги йилларини Мисрда ўтказиб, ўша ерда 865 йиллар атрофида вафот этган ва Қоҳира яқинидаги Қарафа қабристонига дафн этилган.

Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари “Осмон жисмлари ҳаракати ва юлдузлар илми тўплами” бўлиб, у “Астрономия илми асослари” ва “Астрономия элементлари” каби номлар билан ҳам машҳур.

Унинг яна “Геометрия ва арифметика ёрдамида мукамал шимолий ва жанубий астурубларни ясаш”, “Астурубдан фойдаланиш ҳақида китоб”, “Ой ер устида ёки унинг остида эканида вақтни аниқлаш”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Етти иқлимни аниқлаш”, “Қуёш соатини ясаш”, “Ал-Хоразмий зижини тушунтириш” сингари асарлари ҳам маълум. Алломанинг мазкур асарлари Париж, Лондон, Берлин, Москва, Санкт-Петербург, Деҳли, Қоҳира, Анқара, Техрон ва бошқа шаҳарларда сақланган.

Ал-Фарғоний асарларининг энг машҳури юқорида қайд этилган “Астрономия илми асослари” бўлиб, у ўттиз бобга тақсимланган. Уларда астрономия фанининг барча асосий масалалари содда, тушунарли иборалар билан баён этилган. Шу сабабдан у тез орада лотин тилига таржима қилиниб, Европада эрта танилган, кенг шуҳрат қозонган ва бир неча асрлар давомида Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик вазифасини ўтаган. Рисолада ўрта аср шарқ астрономиясининг барча ютуқлари ўз мужассамини топган. Рисола олимнинг юбилейи муносабати билан 1998 йили Тошкентда нашрдан чиқди.

Ал-Фарғонийнинг яна бир муҳим “Геометрия ва арифметика ёрдамида мукамал шимолий ва жанубий астурубни ясаш” рисоласи муқаддима ва етти бобдан ташкил топган. Муаллиф ўзининг бу рисоласи билан геометрия фанига оид янги фикрларнинг шаклланиши ҳамда астрономик жиҳозлар ҳақидаги назарий тасаввурларнинг ривожига муҳим ҳисса қўшди. Мазкур рисоланинг ҳам Тошкентда рус тилида чоп этилиши ал-Фарғоний юбилейига муносиб тухфа бўлди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг қолган асарлари ҳозирга қадар ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

1998 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан Ўзбекистонда ўрта аср фалакиёт, риёзиёт ва жўрофия илмларининг машҳур намоёндаси, Фарғона элининг фарзанди Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд топганига 1200 йил тўлиши муносабати билан халқаро илмий анжуман ва бошқа тантаналар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ҳукуматининг Аҳмад ал-Фарғоний юбилейини ўтказиш борасидаги махсус қарори олим меросини ўрганиш учун катта имкониятлар очиб берди. Бунинг натижасида, Ал-Фарғонийнинг ватани — Ўзбекистонда олим меросини ўрганишга бағишланган бир қанча янги фундаментал тадқиқотлар ва илмий мақолалар чоп этилди.

Аҳмад ал-Фарғоний ўз асарлари билан астрономия фани тарихида чуқур из қолдирган ҳамда астрономик жиҳозлар ва гидроиншоотлар қуриш ишларида ёрқин истеъдод соҳиби эканини намоён этган улўф ватандошимиздир.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ

(ваф. 869)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий машҳур муҳаддис ва тасаввуф шайхларидандир. У 869 милуодий саналда вафот этган.

Аллома IX—X асрларда яшаб муҳим асарлар ёзиб қолдирган. У 25 ёшга етгунча Мовароуннаҳр шаҳарларида таълим олган. 27 ёшида ҳажга сафар қилаётиб, Бағдодда тўхтаган вақтида ҳам илм таҳсилтини давом эттирганини ўзининг таржимаи ҳолига бағишланган “Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ” асарида ёзади ва у ҳали ўз олган билимларидан қониқолмаганини айтади. Шу вақтдан бошлаб, ўз йўлини ўзгартириб тасаввуф сулукига кириб кетади. Шунинг таъкидлаш лозимки, IX асрда “тасаввуф” атамаси машҳур бўлмаган эди. Шу сабабдан, ал-Ҳаким ат-Термизий бу иборани “валий” сўзи билан ифода қилган. У Қуръони каримни ёд олади, кечалари то саҳаргача ухламай чиқадиган бўлиб қолади. Бу билан унинг қалби таскин топади, ором олади. Бу даврда ал-Ҳаким ат-Термизийда туб ўзгаришлар юз берди, у машҳур суфий ал-Интокийнинг тақво ва рақоик ҳақидаги китобини ўқийди. Бу китоб унга чуқур таъсир қилади ва уни риёзатга ва ҳузур ҳаловатдан воз кечишга ўргатади. Фақат талабалар ва илм

аҳдлари билан муноқаша ва мунозара қилиш билан шуғулланади ва кўплаб китоблар ёзади. Чуқур илмга эга бўлган аллома табиийки, баъзи машҳур олим ва алломаларнинг хато ва камчиликларини тилга олмай ўтолмайди ва айрим вақтда эса ҳатто мазҳаб асосчиси имом Абзамнинг ўзини танқид қилади. Муҳаддисларни айрим ёлгон ҳадисларни ўз китобларига киргиздилар, деб танқид қилади. Бу ҳолат унинг аҳволини оғирлаштирмай қўймайди. Фақиҳлар шариятга мувофиқ келмаган нарсаларни киритди, деб уни танқид қилдилар. Тақво аҳдлари ғойибдан хабар берини даъвосини қилади, деб унга туҳмат қилдилар.

Бу қаршиликнинг асосий сабаби — ал-Ҳаким ат-Термизий Куръон ва ҳадис таълимотидан келиб чиқиб, чуқур мазмунли янги фикрларни олға сурганида эди, чунки ҳар қандай янги фикр дастлабки даврда танқидга учрамай қолмайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий бундан мустасно бўлолмади. Буни шу нарсада кўриш мумкинки, у ҳадис ривоят қилувчиларга яна қўшимча талаблар қўяди. Агар имом ал-Бухорий уларга ростгўйлик, тақво ва амонат каби шартларни қўйган бўлса, ал-Ҳаким ат-Термизий ровийларнинг устозлари ҳақиқий тақводор пешволардан бўлишини, маъно ва таъвилни яхши билишларини шарт қилиб қўяди. Шунингдек, у ҳадисни халққа тушунтирувчиларнинг диний илмларни чуқур билишини талаб қилади. Баъзи ровийларни эса ҳадисдан ўзининг дунёвий мақсадлари учун фойдаланади, деб танқид қилади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзидан аввалги алломалардан фарқли ўлароқ, фикр илмини икки қисмга бўлади: бири — ҳукм масалаларини яхши билишга асосланган ҳуқуқшунослик; иккинчиси — фақиҳлик. Унинг фикрича, қалб билан тушуниб етувчи ва идрок этиш даражасига етган кишигина фақиҳ дейилади. Аксинча инсон ҳақиқий фақиҳ бўлолмайди. У намоз ва рўза ҳукмларига бағишланган баъзи ижтиҳодий масалаларга қарши чиқади ва бу ҳақда айтилган мулоҳазаларни танқид қилади. У бу мавзуларда “Асрорус-салот” (“Намоз сирлари”), “Асрорус-савм” (“Рўза сирлари”) каби бир қатор муҳим асарлар ёзади ва намоз, рўза ва ҳаж каби ибодатларнинг инсонга фойдали бўлган ички ҳикматларини очиб беради. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўткир фикрий мулоҳазаларидан ислом мутакаллимлари (файласуфлари) четда қолмади. Уларга қарши ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий чуқур муло-

ҳазати ганқидий сўзларни айғли ва уларнинг хато тарини очиб ташлади.

У энг яхши сифатларга эга, Куръон оятлари ва ҳадисларни инсоф билан шарҳловчи, фикҳ масалаларига энг яхши тарафдан ёндашувчи кишилар фақат мутасаввифлардир, деган хулосага келади. Фақат эҳтиросга берилмай, бегаразлик билан исломга ҳолис хизмат қилиш мумкин, дейди. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг ҳам Куръон маъноларини, ҳадисларни шарҳлаш ва фикҳ масалаларига амал қилишда тасаввуф йўлидан борганлигини таъкидлайди. Тасаввуф йўли киши виждони, қалбига ором берадиган ягона йўл деб тушунади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг буюк мутасаввиф бўлиб етишишида унинг устозлари Абу Туроб ан-Нахшабий, Ибн Хизрвайҳ каби шайхлар билан қилган суҳбатлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шом, Бағдод ва Миср мутасаввиф олимлари билан мулоқотларда бўлди ва бу билан Ўрта Осиё тасаввуфини бойитди, камолот даражасига етказди. Аллома Нишопурдаги Маломатия тариқатидан айниқса кучли таъсирланди. Бу тариқат Мовароуннаҳрнинг кейинги асрлардаги мутасаввифлари Абдулҳолиқ Ғижлувоний ва Баҳоуддин Нақшбандий сулуқларига таъсир қилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг олға сурган фикрлари ҳаммага ҳам маъқул тушмади. Шу сабабдан уни ўша вақтдаги Балх ҳокими ҳузурда бадном қилувчилар топилди. Бу гапни аниқлаш учун Балх ҳокими ўз вакилларини юборди. Унинг муҳолифлари ат-Термизийни гўё Аллоҳга бўлган муҳаббати ҳақида гапирари, одамларнинг эътиқодини бузмоқда, бидъат ва хурофотларни кучайтирмоқда, пайғамбарлик даъвосини қилиши, деб ифво қилдилар. Балх ҳокими эса, уни муҳаббат ҳақида гапирмаслик ҳақида огоҳлантириш билан чегараланди. Лекин муҳолифлари бунга рози бўлмай, шаҳарда фитна ва ғавғони кучайтиришда давом этдилар. Шунда ал-Ҳаким ат-Термизий хилватдан чиқиб, масжидларда ўтириб, халққа амри маъруф қилишга ўтди. Шундагина халқ ал-Ҳаким ат-Термизийнинг фаълини, мартабасини тушуниб етди, унинг мухлислари ва шогирдлари кўпайди. Манбаларда зикр этилишича, аллома умрининг кўп қисми хилват ва узлатда ўтгани боис шогирдлари кўп бўлмаган. Уларнинг ичида энг машҳури Абу Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳаким ал-Варроқдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий муҳаддис, ҳофиз, зоҳид, имом

лақаблари билан ҳам машҳур бўлган. Бу ҳақда у ўзининг “Баёнул-касб” (“Касб ва ҳунар баёни”), “Китобул-фуруқ” (“Фарқлар ҳақида китоб”), “Китобу илмил-авлиё” (“Авлиёлар илми ҳақидаги китоб”), “Китобу адабин-нафс” (“Шахсининг адаби ҳақидаги китоб”) асарларида ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бундан ташқари, ал-Ҳаким ат-Термизий “ал-муаззин” лақабига ҳам эга бўлган. Бу ҳақда унинг “Наводирул-усул фи ахборир-расул” асарида зикр этилган. Ушбу кўлёзма Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда.

Ал-Ҳаким ат-Термизий 400 дан ортиқ қимматли асарлар ёзиб қолдиргани ва улардан 57 таси бизнинг давримизгача етиб келгани ҳақида маълумотлар бор. “Назоирул-Қуръон”, “Наводирул-усул”, ақоилга доир “Урсул-муваҳҳидин”, “Хатмул-вилоя”, шаръий масалаларга оид “Исботул-иғалиш-шаръийя”, “Фаврул-умур”, “Китобул-маноҳий”, “Китобу шарҳис-салот” каби асарлари шулар жумласидандир.

Буюк аллома ал-Ҳаким ат-Термизийнинг мақбараси эски Термизда Амурдёр қиргоғида жойлашган. Истиқлол шарофати билан Ҳаким ат-Термизийнинг мақбараси халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

ИМОМ АЛ-БУҲОРИЙ (810—870)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Барлазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорий ҳижрий ҳисобда 194 йил шаввол ойининг 13-куни (810 йил 20 июл) да Бухоро шаҳрида таваллуд тошган. Бошқа олимлардан фарқли ўлароқ, ал-Бухорий туғилган сананинг аниқлигига сабаб шуки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илмий одамларидан бўлиб, ўғлининг туғилган кунини ўз қўли билан ёзиб кетган ва бу қоғоз замондош олимлар ихтиёрига етган ва шу боисдан ҳам унинг аниқлигига ҳеч шубҳа йўқ. Ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўстан. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўтқир зеҳли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. Манбаларда кўрсатилишича, у ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ровийлардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Мубо-

рак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ҳадис роивийлари ҳақидаги қизгин баҳсларда қатнашган.

825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тугади. Муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда туради, сўнгра ҳадис илми борасидаги билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшайди. У жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олиб, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради. Имом ал-Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий элларда, мусофирчиликда ўтган. Бу ҳақда унинг ўзи: “Миср, Шом, Месопотамияга икки марта, Басрага тўрт марта борганман. Ҳижозда олти йил яшаганман. Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман”, деган экан. У сафар чоғида ҳам, бир шаҳарда муқим турганда ҳам итмини ошириш борасида тинимсиз ишлар, тўплаган ҳадисларини оққа кўчирар эди. Муаллифнинг ёзишича, Бағдодда истиқомат қилган пайтда кўпинча ой нурида ижод қилиб, қоронғи кечаларда шам ёруғида китоб ёзар экан.

У ўз илмини ошириш мақсадида жуда кўплаб олимлардан таълим олади. Нишопурлик ал-Ҳақимнинг (1015 йилда вафот этган) ёзишича, ал-Бухорий устозларининг сони тўқсонгача атрофида бўлиб, улар: Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғарйобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамидий ибн Роҳвайҳ номи билан машҳур бўлган Имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадиний каби ўша замоннинг энг пешқадам алломалари эдилар.

Ўз навбатида ал-Бухорий ҳам кўпгина шоғирдларга устозлик қилган. Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халаф ибн Қутайб, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож каби етук олимлар унинг шоғирдларидир.

Термизлик машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизий Имом ал-Бухорийга ҳам шоғирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари бағоят ибратлидир. Узоқ йиллар

давонида Шарқнинг турли-туман мамлакатларига сафар қилган ал-Бухорий умрининг охирларида беш (863—868) йил Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс беради. Уша пайтда Нишопур мусулмон Шарқдаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машҳур олимлар шу шаҳарда тулланган эдилар. Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, диёри-миздан чиққан икки машҳур муҳаддис ўртасида унутилмас, қизгин илмий баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дўстона учрашувлар бўлиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишчи, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: “Менинг сендан кўрган фойдам сенинг мендан кўрган фойдангдан ортиқроқ”, деб унга нисбатан чуқур ҳурмати билдирган. Ат-Термизий ўз устози ва сафдоши ал-Бухорийни бугун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган. Араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабий (1274—1347) “Тазкиратул-хуффоъ” (“Ҳофизлар ҳақида тазкира”) номли асарида ёзишчи, ат-Термизий ўз устозининг вафоти туфайли қаттиқ қайғуга ботиб, кўп йиллаганидан кўзлари кўр бўлиб қолиб, узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшаган экан.

Имом ал-Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, оламохунлиги, муруватлилиги, ҳимматлилиги ва беқиёс саховатлилиги билан ҳам бошқалардан тамомила ажралиб турган. У зеҳни ўткирлиги ва қувваи ҳофизасининг кучлилиги билан ҳам халқ орасида шухрат қозongan. Манбаларда ал-Бухорийнинг 600000 га яқин ҳадисни ёд билгани қайд этилган.

Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Кўпчилик уни ҳурмат қилган, аммо баъзи ҳасадгўй, қора ниятли кишилар ал-Бухорийни кўролмас эдилар. Натижада ҳасадгўйларнинг хатти-ҳаракати туфайли Бухоро амири Холил ибн Аҳмад аз-Зухлий билан ал-Бухорийнинг алоқаси бузилиб қолади. Бунга сабаб, амир олимдан саройга келиб “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ат-тарих” китобларини ўқиб беришни талаб қилган. Лекин ал-Бухорий “Мен илми хор қилиб, уни ҳоқимлар эшиги олдига олиб бормаيمان, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин. Лекин Аллоҳ охират кун илми яширмай уни толибларга сарф қилганим

учун мени кечиради”, деган жавобни айтган эди. Амирга жавоб ёқмай, фитначи, бўҳтончи шахсларнинг гапига кириб ал-Бухорийга шаҳарни тарк этишни буюради. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бирмунча муддат Хартанг қишлоғида ўз шоғирдлари ва қариндош-уруғлариникида яшайди, сўнгра оғир касалга чалиниб, ҳижрий 256 йил (милодий 870 йил) 1 сентябр куни 60 ёшида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади.

Имом ал-Бухорий авлодларига бой қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрал”, “Ат-тарих ас-сағир”, “Ат-тарих ал-авсат”, “Ат-тарих ал-кабир”, “Китоб ал-илал”. “Бирр ул-волидайн”, “Асмоус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг муҳим асари шубҳасиз, “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан машҳур. Унинг гоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларни таълиб ўғирмай қаторасига киритаверганлар. Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлган, уларнинг ишончлиларини ажратиб алоҳида китоб яратган.

Аллома ибн Саложнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони тақрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, тақрорланмайдиган ҳадислар эса 4000 дан иборат.

Бу шарафли ишни биринчи ал-Бухорий бошлаб берди, кейин қатор олимлар унга эргашиб, шу зайдда ҳадислар тўпламини яратдилар. Имом ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари дунё юзини кўрганга тахминан 1200 йил бўлди, ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Куръондан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда. Ушбу асарнинг кўлаб нусхалари дунёнинг турли шаҳарларига тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва ҳафотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳам бўлган. Жумладан, таниқли адиб ва тарихчи ан-Нувайрий (1332 йилда вафот этган) ал-Бухорийнинг ушбу асаридан саккиз нусха кўчириб, ҳар бирини минг дирҳамдан сотгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Асарнинг 1325 йилда кўчирилган сак-

киз жилддан иборат гўзал бир нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”га кўндан-кўп шарҳлар битилган, муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр ҳам қилинган. Имом ал-Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керагу, нимадан ўзни тийиш лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, нанду насиҳат ва ўғитлар ўз аксини топган.

1974 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташаббуси билан жумҳуриятимизда ислом дунёси вакиллари иштирокида алломанинг 1200 йиллик юбилейи нишонланган эди. Унинг шоҳ асарлари ҳисобланмиш “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ва “Ал-адаб ал-муфрад” китобларининг Тошкентда қайтадан нашр қилиниши ал-Бухорий меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Тошкентдаги диний олий маъҳаднинг Имом ал-Бухорий номи билан атай бошлангани ҳам бундан ўн икки аср муқаддам илм-фан йўлида беқўёс катта хизмат қилган буюк олимга чуқур ҳурмат-эътиборнинг рамзидир. Шу билан бир қаторда Имом ал-Бухорий ҳазратлари том маънода ўз муносиб мақомларига мустақиллигимиз шарофати билан эришди, десак ҳеч бир муболага бўлмайди. Чунончи, Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан 1998 йилнинг кузида буюк аллома таваллудининг 1225 йиллиги (ҳижрий ҳисобда) дунё миқёсида кенг қўламда нишонланиб, унинг ҳаёти ва беназир илмий-маънавий меросини ўрганишда эътиборга молик ишлар амалга оширилди ва опширилмоқда. Республика Президенти Ислам Каримовнинг бевосита раҳнамолигида Имом ал-Бухорийнинг Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган мақбараси замонавий, бетакрор шарқона услубда батамом қайта қурилиб, мусулмон оламининг энг табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланди.

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ (824—892)

Ўзғиборга молик асарлар яратган буюк алломалардан бири машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Савра ибн Мусо ад-Даҳҳок ас-Суламий (умрининг охирларида кўзлари ожиз бўлиб қолганлиги учун ад-Дарир тахаллуси билан ҳам аталган) ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий ҳисобда 209 (милодий 824) йили Термизда унча бадавлат бўлмаган оилада таваллуд топди. Ўрта осийлик машҳур олим ва тарихчи Абу Саад Абдулкарим ас-Самъоний “Ал-Ансоб” номли асарида ёзишчи, ат-Термизий Буг (ҳозирги Шеробод тумани) қишлоғида вафот этганлиги учун унинг номига ал-Бугий тахаллуси ҳам қўшилган. Алломанинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу шаҳарда олган. Ёзма манбалардан ва тарихий осори атиқалардан маълумки, ўрта асрларда Термиз ҳам Ўрта Осиёнинг Урганч, Бухоро, Самарқанд сингари илм-фан ва маданияти ривожланган шаҳарларидан бири бўлган. Мана шундай маданий муҳитда ўсган ат-Термизий ёшлигидан турли илмларни эгаллашга зўр қизиқиш билан интилган. Болалигидан ўта зийраклиги, ёдлаш хотирасининг кучлилиги ва ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган ат-Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган ва бу борадаги ўз билимларини мутгасил ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларини зиёрат қилган. Жумладан, у узоқ йиллар Ироқда, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Кўп йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий илм ал-қироат, илм ал-баён, фикҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшлигидан қизиққан ҳадис илми бўйича ўз даврининг йирик олимлари-машҳур муҳаддислардан таълим олди. Унинг устозларидан Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Файлон ва бошқа машҳур муҳаддисларни кўрсатиш мумкин.

Манбаларда ёзилишича, ҳадисларни тўплаш ва ўрганишда ат-Термизий ҳар бир қулай фурсат ва имкониятдан унумли фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ҳам ёки бир жойда муқим турганда ҳам ўз устозларидан, учратгани ровийлардан эшитган ҳадисларни дарҳол ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борарди.

Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида танилган ат-Термизий кўндан-кўп шоғирдларига устозлик қилган. Ҳалис илми борасида унинг шоғирдларидан Мақхул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамад ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад ан-Насафий, ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий ва Абул-Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубийларни санаб ўтиш мумкин. Мусофирчиликдан қайтган ат-Термизий ўз юртида йирик муҳаддис олим сифатида шуҳрат қозонди ва ижодий иш, шоғирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди. У ҳижрий 279 (милодий 892) йилда Термиздан узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида вафот этади ва шу ерда дафн этилади.

Аслида, Куръони каримда инсон ҳаётига оид жамики масалалар ўз аксини топган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссаломнинг ўзлари айтган ибратомуз панд-насихатлари, диний, ахлоқий масалалар хусусида фикру мулоҳазалари, кўрсатмалари, ҳамда расулulloҳнинг ҳаётлари, фаолиятлари хусусида айtilган ҳикоят ва ривоятлар исломий таълимотни тўлдириб, кўп ўринларга аниқлик киритиб бергани учун Ҳадислар Куръони каримдан кейин турадиган асосий манба сифатида қабул қилинган.

Фақат, уларни ниҳоятда аниқ, муҳим, шубҳа уйғотмай-диган манбаларга асосланиб тўплашга алоҳида аҳамият бериш даркор эди. Негаки, ўша даврнинг ўзидан бошлаб, ноаниқ, чала-чулла, ҳатто сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқай бошланади. Шундай пайтларда, уларни қайта-қайта текшириб, бетиним меҳнат натижасида асл ҳолига қайтарган, ишончли манбалар асосида тўплаб ёзма равишда тартибга келтирган ва олтига ҳадислар тўплами (Ас-сиҳоҳ ас-ситта) тузган муаллифлар борки, уларни энг нуфузли ва мўътабар муҳаддислар дея тан олинади. Мана шу машҳур муҳаддислардан бири Имом ат-Термизийдир.

Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. “Ал-жомеъ”, “Аш-шамоил ан-набавия”, “Ал-илал фил-ҳадис”, “Рисола фил-хилоф вал-жадал”, “Ат-таърих”, “Китоб аз-зуҳд”, “Китобул-асмо вал-куна” каби асарлар шулар жумласига кирди.

Ат-Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, “Ал-жомеъ” бўлиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, олтига ишончли ҳадислар тўпламларидан биридир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Жомеъ

ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий” номи билан ҳам аталиб, пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манбалардан ҳисобланади.

Ат-Термизийнинг машҳур асарларидан яна бири “Аш-шамоиЛ ан-набавия” бўлиб, баъзи манбаларда “Аш-шамоиЛ ан-набий саллоллоҳу алайҳи васаллам” номи билан ҳам келтирилади. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у кишининг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир. Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин ат-Термизий асарининг афзаллиги шундаки, у ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга солган ва яхлит бир китоб ҳолига келтирган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётига доир муҳим манба сифатида “Аш-шамоиЛ ан-набавия” азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Ушбу асарнинг тили равон, услуби роятда оддийлигини ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлидир. Асарнинг форс ва турк тилларига таржима қилиниши ҳам унга бўлган қизиқшининг катталигидан далолат беради.

“Аш-шамоиЛ ан-набавия”нинг биринчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суврат (ташқи қиёфа)ларига, иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса ички дунёлари-ю ахлоқий фазилатларини баён қилишга бағишланган.

“Аш-шамоиЛ ан-набавия”нинг 16-асрга оид бир қўлёзма Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда. 1980 йилда Тошкентдаги мусулмонлар диний идораси буюртмаси билан “Аш-шамоиЛ ан-набавия”нинг ушбу қўлёзмаси офсет тарихасида нашр этилган бўлиб, унга қисқача сўзбоши Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг собиқ раиси, марҳум муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари томонидан ёзилган.

“Аш-шамоиЛ ан-набавия” сўнгги йилларда ҳам Тошкентда бир неча бор нашр этилди. Бундан ташқари аллюманнинг 1200 йиллик юбилеи (1990) муносабати билан газета

ва журналларда асар ва унинг муаллифи ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилди.

Хулоса қилиб айтганда, буюк ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий бизга бой ва қатта илмий мерос қолдирган. Афсуски, ҳозирча бу қимматбаҳо мерос республика-мизда етарлича ўрганилгани йўқ. Кенг жамоатчилик ҳам унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида оз маълумотга эга. Яқинда “Сунан ат-Термизий”нинг биринчи жилди ўзбек тилида нашр этилганини бу боралаги эътиборга молик ишлардан дейиш мумкин.

АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ (870—944)

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида дунёга келган. Бу қишлоқ ҳозирда бузилган шаҳар Матрит дея аталади. Аслида эса манбаларда айтилишича, қишлоқнинг номи арабча “Мо турид?” сўздан олинган. Маъноси, “Нима демоқчисан?” дир. Айтишларича, Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий калом илмига ружу қилган пайғида шоғирдлари кўнаиб кетган ва улар ўзаро баҳс қилганларида, бир-бирларига араб тилида кўпинча “Мо турид?” деб мурожаат қилганлар. Шу сўз кўпчилик қулоғига тез-тез чалинавергач, Шайх шоғирдларини мотуридийлар, қишлоқ номини эса Мотурид деб атай бошлаганлар. (Зарнужий, “Таълим ал-муғаллим” асари).

Туғилган йили ҳақида тарихий манбаларда турли маълумотлар берилган. Масалан, унинг аббосий халифалардан Мутаваккил (ҳижрий 232—247 йиллар) даврида яшаганлиги аниқ, Яна, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий (вафоти 248 ҳижрий йил) ва Наср ибн Яҳё ал-Балхий (вафоти 268 ҳижрий йил) каби устозларидан сабоқ олганини назарда тутилса, ал-Мотуридийнинг туғилган йилини 238 ҳижрий йил деб тахмин қилиш мумкин.

Лекин “Ислом Қомуси”да унинг туғилган йили 870 милодий йил деб кўрсатилган. Шунга кўра, 2000 йилда ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланди.

Абу Мансур ал-Мотуридий 333/944 йили вафот этган.

Мотуридия уламоларининг энг машҳурларидан Абул-

Муъин ан-Насафий (438—508 х., 942—1114 м.) ўзининг “Табсиратул-адилла” китобида шундай ёзади: “Абу Мансур ал-Мотуридий вафот этганида яқин шогирдларидан бири Абул-Қосим ал-Ҳаким унинг қабр тошига қуйидаги битикни ёздирган экан:

“Бу қабр нафаслари миқдоридagi илмларни ўзида жам этган, бор кучини у илмларни тарқатиш ва ўргатиш билан тугатган, бас, шунинг учун диний асарлари мақтовга сазовор бўлган ва ўз умридaн серҳосил меваларни олишга эришган зотнинг қабридир”.

Шайх Абу Мансур ал-Мотуридийнинг қабри Самарқанд шаҳрининг Чокардиза қабристонидa экaнлиги ишончли маъналар ва илмий тадқиқотлар асосидa тасдиғини топди. Шунга биноан, 2000 йилнинг май ойидa Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан бу хусусдa махсус фатво чиқарилди.

Ал-Мотуридий Имомул-худо (Ҳидоятга элгувчи имом), Қудвату аҳлис-сунна (Аҳли сунна пешвоси), Мусахҳиҳу ақоидил-муслимин (Мусулмонлар ақоидини ислоҳ этувчи), Имомул-мутақаллимин (Калом илми эгаларининг имоми), Рабибу аҳлис-сунна (Аҳли Сунна вал-жамоа тарбиясини олган) каби илмий унвонларга сазовор бўлган.

Шайх Абу Мансур ал-Мотуридийга Абу Бакр Наср ал-Иёзий (Аҳмад ибн Аббос), Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий, Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжоний, Наср ибн Яҳё ал-Балхий каби олимлар устозлик қилган.

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари ақида фанидаги сунний-ҳанафий йуналишини давом эттириб, кўп изланишлардан кейин мотуридия мактабига асос солди. Шу аснода кўпшаб шогирдларни етиштирди. Абул-Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Қозий ал-Ҳаким ас-Самарқандий (вафоти 335 ёки 342 ҳижрий (947 ёки 954 милoдий) йил, Абул-Ҳасан Али ибн Саїд ар-Русуфаний ас-Самарқандий, Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусo ибн Исо ал-Паздавий, Абу Аҳмад ибн Аби Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Иёдий, Абу Абдураҳмон ибн Абил-Лайс ал-Бухорийлар шулар жумласидандир.

Асарлари

1. “Таъвилоту аҳлис-сунна” ёки “Таъвилотул-Куръон”. Саккиз жилдан иборат бу асар Куръонни каримнинг тафсири бўлиб, унда асосан исломий ақидага нисбатан турли қаранслар баён этилган ва мотуридия ақидаси асосидa уларга баҳо

берилган. Тафсирни ал-Мотуридийнинг шоҳ асари деб аташ мумкин. Унинг қўлёзма нусхалари Миср, Макка, Дамашқ, Ҳиндистон, Туркия ва Тошкент кутубхоналарида сақланмоқда. Тошкент нусхалари тақрибан 700 йил бурун кўчирилган. Ҳанузгача унинг нашри ҳеч қерда чиқмаган.

Тафсирга Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий шарҳ ёзган. Бу шарҳ ҳам ҳануз чоп этилмаган.

2. “Китоб ат-тавҳид”. Калом илмига оид энг муҳим асар. Мотуридия ақидасига оид барча асарларнинг энг биринчи ва асосий манбаси саналади.

3. “Шарҳ ал-фиқҳ ал-акбар”. Абу Ҳанифа ан-Нўмон (Имом Аъзам) қаламига мансуб ақида бобида битилган илк асар “ал-Фикҳул-акбар”нинг шарҳи. Баъзи олимлар бу шарҳ Шайх ал-Мотуридийга тегишли эмас, балки у Абул-Лайс ас-Самарқандийга мансуб дейдилар.

4. “Рисола фил-ақида”. 1953 йилда Анқарада чоп этилган.

5. “Рисола фил-имон”.

6. “Ал-мақолот”.

7. “Баёну ваҳм ал-муътазила”.

8. “Радду таҳзиб ал-жадал”.

9. “Радду ваид ал-фуссоқ”.

10. “Радду авоил ал-адилла”.

11. “Раддул-усул ал-хамса”.

12. “Ар-Радду алал-қаромита”.

13. “Радду ал-имома”.

14. “Маъхаз аш-шариа”.

15. “Китоб ал-жадал”.

Мазкур китобларнинг охириг иккитаси фикҳга доир, қолганлари барча ақидавий масалаларга бағишланган.

Мотуридия таълимотининг мўътадиллиги.

Абу Мансур ал-Мотуридий мотуридия ақоиди мактабига асос солган. Ақоиднинг асослари, арконлари ва бандларини унганча ҳам маълум даражада шакллантиришга ҳаракат бўлган эди. Ақида илми тобеинлар давридан бошлаб, яъни ҳижратнинг иккинчи асрида мустақил фан сифатида юзага кела бошлаган. Машҳур тобеинлардан Ҳасан Басрий (21—110 ҳ.й. 640—729 м.й.) ақида масалалари бўйича дарс айтгани, мўътазила оқимининг бошланиши ҳам ўша пайтда рўй бергани тарихий манбалардан маълум. Абу Ҳанифа (Имом Аъзам) яшаган даврда эса оқим ва фирқаларнинг кўнлаб турлари юзага келган эди. Улар билан курашиш учун эса ақида мус-

таҳкам бўлиши зарур эди. Бундай долзарб масалага Абу Ҳанифа бефарқ қараб тура олмаган, балки, ақида фанига оид биринчи асар — “Фикҳи акбар”ни ёзиб қолдирган. Демак, мазҳабимиз асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (раҳматуллоҳи алайҳ) нафақат фуқоҳолар пешвоси, балки, ақида ва илми каломга ҳам асос солган буюк сиймолардан бўлган.

Шайх яшаган даврда ақида уламолари икки асосий маъбага суянганлар. Биринчиси — оят ва ҳадислар ҳамда саҳоба ва тобеинларнинг ижмо ва ижтиҳодлари, яъни нақдий далиллар. Иккинчиси — ақдий далиллар. Шайх Абу Мансур эса бошқаларга тақдир қилмадилар, балки нақдий далиллар билан ақдий далилларни уйғунлаштириб, ундан сўнг хулоса чиқардилар. Ақдий далил деганда фалсафа, мантиқ ва табиий фанлар кўзда тутилади. Ваҳоланки, салаф уламоларининг кўпчилиги бу далилларни тан олмас, балки нақдий далилларнинг ўзи билан кифояланар эдилар. Ал-Мотуридий эса, бу иккисидан ҳам муносиб равишда фойдаланган эканлар.

Юқорида баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Имом ал-Мотуридийнинг бизгача етиб келган икки йирик асари — «Китоб ат-тавҳид» ва «Таъвилоту аҳис-сунна» буюк аллома меросини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур асарларда ислом динининг фалсафасини ташкил этувчи калом илмининг турли масалаларида тўғри фикрлар ишлари сурилган, ақидавий ҳақиқатдан адашган фикрлар илмий нуқтаи назардан танқид қилинган.

Имом ал-Мотуридий фикрича, инсонларнинг ёмон хулқли ишлари — гуноҳлари Аллоҳнинг иродаси билан (чунки Аллоҳ шу ишларни тақдир қилган), лекин унинг розилигисиз амалга оширилади. Аллоҳ таоло инсонларни ўз эркини кўлига берган ҳолда яратган, яъни унинг ҳаракатлари азалдан тақдир этиб қўйилган бўлса-да, инсонга айрим ишларида соҳиб ихтиёрликни ҳам бергандир. Бу ишларни Имом ал-Мотуридий «афъоли ихтиёрий, яъни инсонда ирода эркинлиги мавжуд» деб атайдди. Буюк ватандошимиз, аллома Имом ал-Мотуридий ҳазратларининг бундан ўн бир аср муқаддам айтган бу ажойиб фикри бугунги кунда ҳам гоятда долзарб бўлиб, инсон ақл-заковати ва тафаккурининг имкониятлари чексиз эканлигига ишоратдир. Аллома фаолиятида юқорида айтилганидек, муборак ислом динимизнинг ҳаётбахш мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, турли бидъат ва хурофотларга ботган гуруҳ ва тоифаларга қарши кураш алоҳида

ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам Имом ал-Мотуридий илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам ғоятда долзарб бўлиб, нафақат илмий, балки кагта амалий аҳамиятга эгадир. Имом ал-Мотуридийнинг ўзига хос таълимотини ўрганиш учун олимларимиз кагта имкониятларга эгадирлар. Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини юртимизда кенг нишонланиши муносабати билан қатор рисо-лалар, мақолалар чоп этилди. Бу эса алломанинг илмий ме-росини ўрганиш бўйича амалга оширилган муҳим қадамлар-дан биридир.

АЛ-ҲАКИМ АС-САМАРҚАНДИЙ

(ваф. 953)

Шайх ул-ислом ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг тўлиқ исми Абул-Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий бўлиб, у бутун мусулмон оламида ўз замонасининг машҳур ҳадисшуно-си, фикҳшуноси, мутакаллим ва воизи сифатида кенг кўлам-да танилган эди.

Маълумки, мелодий IX-X асрлари Мовароуннаҳр ўлка-сида диний ва дунёвий илмлар гуллаб яшнаган давр ҳисоб-ланади. Бинобарин, айни шу илм-фан тараққий қилган давр-да Самарқандда ал-Ҳаким ас-Самарқандий таваллуд топади. Ёшлигидан илм-маърифатга кагта қизиқиш билан интилган ал-Ҳаким ўша даврнинг кўлаб таниқли олимларидан сабоқ олади. Жумладан, унинг устозларидан ўша даврда шуҳрат қозонган буюк алломалардан Абул-Ҳасан Али ар-Рустуғфоний, Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Бакр ал-Варроқ, Муҳаммад ибн Ҳузайм ал-Қал-лос, Абу Наср ал-Иёдий, Абдуллоҳ ибн Саҳл ар-Розийлар-ни кўрсатиш мумкин. Мазкур олимлардан у тафсир, ҳадис, айниқса, фикҳ ва калом илмларидан ҳар томонлама чуқур таълим олган ва ўз даврининг таниқли олими даражасига етишган. Олмон олими Улрих Рудолфнинг ёзишича, сомонийлар сулоласининг асосчиси Исмоил ибн Аҳмад (у 892—907 йилларда ҳукмронлик қилган) Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидан олимларни чорлаб, уларни ислом қоидаларини тушлаб, битта ягона ақида яра-тишга даъват этган. Бу талбирдан кўзланган мақсад ҳудудда

илдиз отишга улгурган турли мазҳабларни йўқ қилиш эди. Амалда эса бу бир пайтнинг ўзида ҳам уламолар, ҳам ҳокимларнинг иккиёқлама нуфузига таянган ҳанафийна таълимотининг қатъий қоидалар мажмуига ҳам эга бўлиш, деган гап эди. Бу қатъий қоидалар мажмуи кагга аҳамият касб этарди. Шунга кўра, йиғилган олимлар томонидан бундай қўлёзма-ни яратиш вазифаси зиммасига юклатилган шахс ҳам шунга мос равишда кенг тан олинган нуфузли олим бўлмоғи лозимлиги табиий талаб эди. Бу вазифа ал-Ҳаким ас-Самарқандийга топширилди. Чунки у кўпгина диний масалаларнинг билимдони сифатида кенг эътироф этилган таниқтли олим бўлиб, буни фикҳ соҳасида эгаллаб турган лавозими ҳам тасдиқлайди. Чунки у ўзининг она шаҳри Самарқандда кўп йиллар қози лавозимини эгаллаб келган. Ал-Ҳаким ас-Самарқандийга юклатилган вазифа фикҳ ёки тасаввуф соҳаларидан кўра моҳият эътибори билан, кўпроқ илоҳиятга тегишли эди. У ҳанафийлар таълимотининг асосий хусусиятларини аке эттирган ҳамда барча учун бирдек тушунарли бўлган қоидалар мажмуини яратмоғи лозим эди. Олимнинг асари ушбу талабларга тўла жавоб берган, кўринади. Бу йўлдаги уринишларнинг маҳсули сифатида юзага келган асар “Китоб ас-савод ал-аъзам” номи билан машҳур бўлган. Ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг ушбу асари ўша асрнинг ўзидаёқ форс тилига ўтирилиб, кенг кўламда ўқиладиган ҳамда дарслик сифатида фойдаланиладиган муҳим асарлардан бирига айланган. Маълумки, ал-Ҳаким ас-Самарқандий яшаган даврларда ислом оламида турли оқим ва фирқалар пайдо бўлиб улар ислом номидан нотўғри ақидалар тарқатишар, бунинг натижасида кўп мусулмонлар ҳидоят йўлидан оғиб, ҳақиқий исломий ақидаларидан узоқлашиб қолган эдилар. Алашган ва бошқаларни ҳам залолат йўлига бошлаган турли фирқа ва оқимларнинг мафкуравий қарашларига қарши имом Абу Мансур ал-Мотуридий билан биргаликда у зотнинг шоғирди ал-Ҳаким ас-Самарқандий ғоявий кўраш бошлаб, Мовароуннаҳрда тарқала бошлаган бузуқ мафкураларга кескин зарба берадилар.

Ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг энг асосий асари, шубҳасиз, “Китоб ас-савод ал-аъзам” бўлиб, у IX—X асрларнинг туташ давридаги Мовароуннаҳр ҳанафийларининг илоҳият масалаларидаги қарашларини аке эттирарди. Асарда келтирилган баён илоҳиятнинг айрим асосий масалалари билан чекланиб

қолмайди. Бу жиҳат ҳам асарнинг манба сифатидаги қимматини янада оширади. Иймоннинг таърифи, гуноҳкорнинг ҳолати, тақдир ёки нариги дунё ҳисоб-китоби каби кўриб чиқилиши одатий бўлган масалалардан ташқари. ал-Ҳаким ас-Самарқандий яна кўп мавзуларга тўхталади. Аллюҳ ва унинг сифатлари, шунингдек Қуръон яратувчисининг қиёфаси, Қуръоннинг манбалари, эсхатология ва тақво, авлиёларни ҳурматлаш ва зоҳидлик, пайғамбар саҳобаларига ҳурмат, жамоадаги сиёсий муносабатлар ва ҳатто фикҳнинг ўзига хос муаммолари бир неча бор муҳокама қилинади.

Шунингдек, асарда диний муҳолифлардан иқтибосларни ҳам учратамиз, бироқ бу ўринда муайян файласуфларнинг айрим аниқ ғоялари равшан ифода этилмайди. Балки улар ниҳоятда умумий кўринишда тақдим этилади. Муаллиф учун унинг ўз шахсий таълимоти муҳимроқ ва уни кенгайтирилган ҳолда, бутун тафсилотлари билан баён этади. Бу ўринда ўқувчи бир муаммога дуч келади. Абул-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий бир-бирига ёндош мавзуларни алоҳида гуруҳларга ажратиб, яъни муайян мунтазамликда кетма-кет жойлаштирилган фаслларга бирлаштириб, таҳлил этишдан онгли равишда воз кечган. Ўқувчининг диққатини кўпроқ жалб қилиши мақсадида бўлса керак, бир мавзудан иккинчисига сакраб ўтади. Натижада иймон тўғрисидаги мақоладан кейин жамоа тўғрисидаги иккита мақола, ундан кейин эса, яна иймон тўғрисидаги бир мақола келиши мумкин. Шунинг учун алоҳида масалалар туркуми ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз ўқиш жараёнида аста-секин шакллана боради ва охирига келиб баъзи ўринларда қутилмаган оханглар касб этади. Бир қарашда, китоб фасллари мавзулар бўйича туркумлаш унинг мазмунини англашни оsonлаштиради. Бироқ бундай ёндашув рисоладан олинадиган таассуротни сезиларли даражада белгилловчи ўзига хос жиҳатларнинг йўқолишига олиб келган бўлур эди. Нима бўлганда ҳам, ал-Ҳаким ас-Самарқандий каломга оид мунтазам рисола яратилиши мақсад қилмаган, хоҳламаган ҳам. Унинг вазифаси ўша даврда Мовароуннаҳрдаги жами мусулмонлар учун батафсил ва ҳаммабон қўлланма яратиш эди. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг илмий-маънавий меросида “Китоб ас-савод ал-аъзам” билан бир қаторда “Ал-Эътиқод” номли асари ҳам бўлиб, бу асар ҳам ҳозирги вақтгача

бугун дунё олиму уламоларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Абул-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий 953 милодий йилда Самарқандда вафот этиб, шаҳарнинг машҳур Чокардиза қабристонига дафн қилинган.

АБУ БАКР АН-НАРШАХИЙ (899—960)

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий 286/899 йилда туғилиб, 348/960 йилда вафот этган.

Унинг қаламига мансуб “Тарихи Бухоро” асари Ўрта Осиё минтақасида яратилган дастлабки мусулмон манбаларидан ҳисобланади. Бу асар дастлаб 943—944-йилларда араб тилида таълиф этилган. “Бухоро тарихи” турли жумладан, “Тарихи Наршахий” (“Наршахий тарихи”), “Таҳқиқ ал-вилоят” (“Вилоят ҳақиқатини аниқлаш”), “Ахбори Бухоро” (“Бухоро ҳақида хабарлар”) каби номлар билан юритилган бўлса-да, ҳозир тарихий адабиётларда “Тарихи Бухоро” номи билан қатъий равишда қарор тошган. Бу асарда ушбу минтақада ислом динининг тарқалиши (VIII асрдан олдинги давр ҳамда IX—XII асрлардаги Бухоро воқасининг сиёсий ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доир ғоятда муҳим маълумотлар келтирилган бўлиб, яратилгандан буён бу борада беқиёс қимматта молик манба сифатида олим ва мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлиб келмоқда. Айни вақтда таъкидлаш жоизки, асарнинг араб тилида битилган дастлабки асл нусхаси бизнинг давримизгача етиб келмаган ҳисобланади. Шу билан бирга, асарнинг кейинги асрларда қайта ишланиб, тўлдирилган вариантлари, бошқа тилларга таржималари хусусида ҳам айтиб ўтиш керак. Жумладан, ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари 1128 йилда, яъни муаллиф томонидан таълиф этилганидан бир юзу саксон беш йил ўтгач, қувалик Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубовий томонидан бошқа асарлардан киритилган маълумотлар ҳисобига тўлатилган ҳолда арабчадан форс тилига таржима қилинган. Шундан кейин орадан ярим аср ўтгач, яъни 1178—1179 йиллар мобайнида Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар “Бухоро тарихи”нинг ушбу форсий таржимасини иккинчи марта янада қисқартириб, янгича таҳрирдан чиқариб кўчиртирган.

Ушбу таржималар муносабати билан шуни айтиш лозимки, асарни арабчадан форсийга таржима қилган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубовий ҳам, кейинчалик, иккинчи марта таҳрирдан чиқарган Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар ҳам уни дастлабки аслиятини ихчамлаштириб, қисқартириб баён этиш билан чегараланиб қолмай, балки янги илмий аҳамиятга молик қимматли маълумотлар билан бойитганлар. Шунингдек, асарда 1179 йилдан кейинги давр, то 1220 йилгача бўлган воқеалар ҳақида ҳам мухтасар маълумотларнинг учраши бу асарга Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умардан кейин ҳам бир ёки бир неча исм-шарифлари ҳозирча бизга номаълум шахслар томонидан қўшимчалар киритилиб муайян таҳририй ишлар амалга оширилганлигидан далолат беради.

“Бухоро тарихи”нинг илм аҳли ва мутахассисларга маълум бўлган барча нусхалари улар орасидаги айрим жузъий фарқ ва тафовутлардан қатъи назар, ана шу 1220 йилгача давом эттирилган матнни ўз ичига олади.

Асар ҳамда унинг турли тилларга қилинган таржималари бир неча бор нашр этилган.

Ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида келтирилган маълумотлардан Бухоро шаҳрининг топографияси, вилоятнинг табиати, шаҳарлари, бойликлари, саноат ва аҳолисига оид маълумотлар айниқса диққатга сазовордир. Масалан, муаллиф Бухоро ёнидаги Пойканд шаҳрини (ҳозирги Яккатуг станцияси ёнида бу қадимий шаҳар вайроналари қолган) жуда улуғлаб, шундай мисоллар келтиради: “Пойканд аҳолиси, биров Пойкандни қишлоқ деса, хафа бўладилар. Агар бир киши Пойканддан Бағдодга борса, ва ундан, қаердансиз, деб сўрасалар у Пойкандданман, дейдию, Бухороданман демайди”. Ан-Наршахий Бухоро вилоятидаги шаҳарларга қисқа-қисқа таъриф ҳам берган: “Афшина катта бир шаҳар бўлиб, унинг қалъаси бор. Бир неча қишлоқлар унга қарашлидир. Одамлар у жойни табаррук дейдилар. Ҳафтанинг муайян кунда у ерда бозор бўлади”. “Бухоро тарихи”да келтирилган муҳим ва қизиқарли маълумотлардан яна бири, бу — шубҳасиз Муқанна кўзғолони (776—784 йиллар)га оид тафсилотлардир. Маълумки, “оқ кийимчилар” кўзғолони сифатида машҳур бу ҳаракат Қашқадарё водийсида, айниқса, Кеш (Шаҳрисабз) ва Нахшаб (Қарши) ҳудудларида кенг қулоч ёйган.

Умуман олганда Абу Бакр ан-Наршахийнинг бу асари

юртимиз тарихини ўрганишда қимматли манбалардан бири ҳисобланади.

Ан-Наршахий асарининг ҳозирги замон ўзбек тилига таржимаси таниқли таржимон Абдуфаттоҳ Расулов томонидан амалга оширилиб, у 1966 йилда Тошкентда “Фан” нашриётида чоп этилган.

ҚАФФОЛ АШ-ШОШИЙ (903—976)

Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил Қафқол аш-Шоший 291 ҳижрий йилда туғилиб, 366 ҳижрий санада вафот этган. Қафқол унинг тахаллуси бўлиб, қулфгар ёки қулфсоз деган маънони англатади. Тарих китобларидан маълумки, олдинги ўтган буюк олим ва аълomalарнинг деярли ҳаммаси илмлари ҳисобига эмас, балки ўзлари эгаллаган бирор касб-ҳунар орқасидан тирикчилик ўтказганлар.

Қафқол аш-Шошийнинг қанчалик машҳур қулфсоз бўлганликлари тўғрисида шундай нақллар борки, ҳатто у подшоҳга совға сифатида чумоли оёғига мослаб митти қулфча ясаб тортиқ қилган экан.

Машҳур ислом тарихчиси Ибн Халликон ўзининг “Вафайот ал- аъён” (“Улут зотларнинг вафотлари”) номли асарида Қафқол аш-Шошийни шундай таърифлайди: “Қафқол аш-Шоший муфассир, ислом ҳуқуқшуноси, муҳаддис, тилшунос, шоир бўлиб, ўз замонасидаги шофеий мазҳаби уламоларининг ичида унга тенг келадигани бўлмаган”. У Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва бошқа мамлакатларда сафарда бўлган, илму фазлда машҳури жаҳон эди. Ҳуқуқшунослик фаҳини ўша давр аломаси Ибн Сурайждан таълим олди. Қафқол аш-Шошийнинг ёзиб қолдирган асарлари кўп. Олимлар ўртасида чиройли баҳс-мунозара юритишга оид асарни биринчи бўлиб у ижод этган. Ислom ҳуқуқшунослиги усуллари тўғрисида ҳам махсус китоб ёзиб қолдирган. Ўрта Осиёда оз бўлсада, шофеий мазҳабини тарқатишга эришган.

Қафқол аш-Шоший ўз асарларида тафсир ва тарих фаҳинининг аълomаси санаган Ибн Жарир ат-Табарийдан ва унинг замондошларидан кўп ривоятларни нақл қилади. Демак, у улар билан мулоқотда бўлган. Қафқол аш-Шошийдан эса ҳадис илмида машҳур бўлган Ҳоким Абу Абдуллоҳ, Ибн

Маида, Абу Абдураҳмон Сулаймий ва бошқа кўп ровийлар ўз китобларида нақл қиладилар.

Қафқол аш-Шошийнинг Қосим исми ўгли ёзган “Тақриб” (“Тахмин”) деган китобдаги масалалардан “Ниҳоз” “ал-Васит вал-басит” китобларида нақл қилиб келтирилади. Абу Ҳомид Газзолий ҳам ўз асарларида Қафқол аш-Шошийни зикр этиб ўтган. “Тақриб” китобини баъзи олимлар ўгли эмас, балки отасининг ўзи ёзган деб таъкидлайдилар. «Мен бу китобни Дамашқдаги Одилия мадрасаси кутубхонасида кўрган эдим, деб давом этади Ибн Халликон, у олти жилд бўлса-да, қатинлиги ўн жилдли асарга тенг келар эди. Бугун Хуросон уламолари шу китобга суяниб ижод қилар эдилар”. Ушбу асарни кўпинча эронлик Сулайм ар-Розий қаламига мансуб айнан шу номдаги «Тақриб» асари билан чаткаштирилади.

Қафқол аш-Шошийнинг вафотлари тўғрисида турли фикрлар бор. Абу Исҳоқ Шерозий ўзининг “Фақиҳлар табақалари” асарида 336 ҳижрий санада вафот этган, деса, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳоким ан-Найсабурий 365 йили зул-ҳижжа ойида Шошда вафот этган деб гувоҳлик беради. Ибн Самъоний ҳам шу иккинчи фикрни қувватлайди.

Имом Қафқол аш-Шошийнинг қабри Ташкент шаҳрининг “Ҳасти Имом” маҳалласида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ёнидадир.

“Ҳасти Имом”нинг асли “Ҳазрат Имом” бўлиб, мазкур Имом Қафқол аш-Шоший номига мансубдир. Ҳазрат сўзининг ўзбек шеvasида Ҳасти шаклида талаффуз қилиш одати азалдан мавжуд. Масалан Ҳасти Ёсин, Ҳасти Таборак, Ҳасти Эннон ва ҳоказо.

Қафқол аш-Шошийнинг мақбараси атрофида бир неча улуғ зотлар ҳам дафн этилган. Масалан Низомиддин Хомун, Баҳодирхон Махдум Тошкандий, Эннон Бобохон, муфтий Зиёуддин қори ва бошқалар. Мақбара VI асрда бино қилинган ва бир неча бор таъмирланган.

Қафқол аш-Шошийнинг асарларидан “Жавомей ал-калим”, “Адаб ал-Қозий”, “Илми жалаг”, “Маҳосин аш-шариа”, “Усул” китоблари маълум. Лекин афсуски, бу асарларидан ҳеч бири ҳозиргача топилган эмас. Фақат марҳум муфтий Зиёуддинхон қори ҳазратлари 1970 йили Суриянинг Дамашқ шаҳридаги “Зоҳирийя” кутубхонасидан Қафқол аш-Шоший қаламига мансуб “Жавомей ал-калим” асарининг

фото нусхасини олиб келиб, Диний идора кутубхонасига топиширганларини ҳисобга олмасак, бошқа асарлари бизгача гўла ҳолда етиб келмаган. Лекин тафсир, ҳалис, фикҳ ва алабиётта доир китобларда Қафқол ан-Шошийнинг асарларидан жуда кўп иқтибослар келтирилади.

АБУЛ-ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ (913—985)

Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Абул-Лайс ас-Самарқандий ал-Ҳанафий тафсир, фикҳ, усул (дин асослари), ақида, зуҳд бўйича кўплаб асарлар яратган буюк алломадир. У ўз даврида Самарқанд Шайхулисломи ҳам бўлган. Аллома яшаган даврда луғат, тафсир, ҳалис, фикҳ илмлари юртимизда жуда ривожланган ва бу илмлар билан машғул олимлар буён ислом оламида машҳур эдилар. Олимнинг “Баҳрул-улум”, “Уюн ал-масоил”, “Танбиҳ ал-юфилин”, “Бўстон ал-орифин” асарлари бизнинг асримизгача етиб келган ва нашр қилинган.

Алломанинг туғилган йили ҳақида муаррихлар ҳижрий 301—310-йилларни кўрсатадилар. Ул зотнинг Абул-Лайс кунyasi исмидан ҳам юқори даражага кўтарилди ва машҳур бўлиб кетди. Кунyasi билан лақаби қўшиб “Фақиҳ Абул-Лайс” деб айтилар эди. Аллома фикҳ илмида юксак мартабага эришган, ўз замонасида унга тенг келадиган олим топилмас эди. Фақиҳ сўзининг олдида араб тилидаги “ал” артикли қўшилиб, уни “Ал-Фақиҳ” деб аталиши ҳам шунга далолат қилади.

Абул-Лайснинг ўзи ҳам ушбу “Ал-Фақиҳ” лақабини яхши кўрар эди. Чунки, ривоятларга қараганда, бир кун у кишининг тушларига Набий (с.а.в.) кириб, фақиҳ деб атаган эканлар. Иккинчи лақаби “Имом ал-Ҳуда” — “Тўғри йўлга бошловчи” дир. Маълумки, яна бир буюк алломамиз Абу Мансур ал-Моғуридийни ҳам шундай лақаб билан улуғлаганлар.

Абул-Лайснинг вафоти ҳақида ҳам муаррихлар турли саналарни кўрсатадилар. Довуллий ўзининг “Табақотул-муфассирин” китобида олимни ҳижрий 393 йил жумодул-охир ойининг сешанба 11 кечасида вафот этган деган.

“Жавоҳир ал-музыка”, “Қашфуз-Зунун”, “Араб мероси тарихи” каби асарларда ундан фарқли саналар келтирилади.

Булардан келиб чиқиб, ашомаларнинг вафоти 985 ва 1003 миллодий йиллар орасида содир бўлган дейиш мумкин. Манбаларда унинг оиласи ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирилмаган.

Туғилган жойи ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд бўлиб, “Баҳрул-улум” тафсирининг кириш қисмида бу шаҳар ҳақида шундай дейилади: “Араблар уни Сирон ҳам дейдилар, Сафд водийсининг жанубида жойлашган бу жой иқлими яхши ва катта шаҳардир”. Бир шоир бу ер ҳақида шундай деган эди:

*«Инсонлар учун охиратда жаннат бордир,
Бу дунё жаннати Самарқанддир.*

Бу шаҳар толиби илмлар қибласи бўлган, бу ерга уламо-ю фуқаҳолар, тасаввуф аҳллари сафар қилар эдилар. Шунинг учун бу ер бошқа юртлар ичида муҳим илмий ўрин эгаллаб турар эди».

Абул-Лаїс ас-Самарқандий кўлаб нодир асарлар яратган.

Улардан “Баҳрул-улум” (“Илмлар денгизи”) номли тафсири муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда бу тафсирнинг тўртта нусхаси сақланган. Икки нусхаси Миср Араб Республикасида, бир нусхаси Эдинбург кутубхонасида ва бир нусхаси Тошкентда сақланмоқда. Уч жилдлиқ ушбу асар Миср Араб Республикасининг “Ал-Азҳар” университети докторлари Муҳаммад Муавваз, Аҳмад Абдулмавжуд ва Абдулмажид ан-Нутийлар томонидан ўрганилиб, 1993 йил Байругда нашр этилган.

Маҳмуд Ҳусайн аз-Заҳабий “Ат-Тафсир вал-муфассирун” асарида ас-Самарқандийнинг ушбу “Баҳрул-улум” тафсири ҳақида шундай деб ёзади: “Бу тафсирни кўп мартаба ўқиб чиқдим, муаллиф бир бобида салаф уламоларидан ривоят қилган ҳолда кишиларни тафсир илмини ўрганишга чақиритиши ва унинг фазилатини баён қилишини кўрдим. Сўнг араб тилини мукамал ўрганмаган, оятнинг позил бўлиш сабабларини яхши билмаган кишиларни фақат ўз раъйидан келиб чиққан ҳолда, грамматика ва оятнинг позил бўлиш сабабларини билмай туриб тафсир қилишлари мумкин эмаслигини баён этган. У ўз асарида тафсирга бўлган ҳурматни нафақат ўз фикри билан, балки салаф уламоларининг сўзларидан ҳам далил келтириб исбот қилади. “Агар бирор киши араб тилини ва оятнинг позил бўлиш сабабларини яхши билмаса, тафсирни ўргансин, ёд олишга ҳаракат қилсин, бирор

олимдан ҳикоя тарзида гапириб бериши ҳам мумкинدير”. Муфасссир салаф уламоларининг сўзларидан, саҳоба ва тобеинларнинг ривоятларидан ва улардан кейин ўтган тафсир уламоларининг сўзларидан келтириб тафсир қилади. Лекин у ким ривоят қилганини зикр этмайди, санад (ривоят қилувчи)ларни баъзи ривоятлардагина камдан-кам айтиб ўтади. Шу нарса ҳақида мулоҳаза қилиб билдимки, у турли ривоятларни зикр этганда, Ибн Жарир ат-Табарий каби уларнинг ортидан бошқа ривоятларни келтириб таъсирини оширмайди, фақат камдан-кам ҳолатлардагина шундай қилади. Маълум миқдорда қироатларга, баъзан тилга ҳам мурожаат қилиб туради. Қуръондаги бир оят бошқа бир оятни тушунтириб берадиган бўлса, Қуръонни Қуръон билан шарҳлайди. Исроиил қиссаларидан ҳам ривоятлар учраб туради. Купинча, баъзилари ундай дедилар, баъзилари бундай дедилар, деб зикр этади. Заиф ривоятлардан ҳам келтиради. Баъзи қийин жойларда, ўқувчига савол бериб, сўнг унга жавоб беради. Қуръонда ихтилоф ва қарама-қаршиликлар бор деб ўйлаётган кишига эътироз билдириб, кейин ундаги янглиш фикрни йўқотади. Китоб ўзида жуда нодир маълумотларни жамлаган. Бу китобда муфасссир нақл бўйича тафсир ва ақл бўйича тафсирни бир жойда жамлаб, нақлий жиҳатини ақлий жиҳатидан устун қўйди. Шунинг учун бу тафсирни манбаларга асосланган (маъсур) тафсир деб ҳисоблаймиз”.

Ас-Самарқандийнинг кейинги асари “Хизонатул-фиқҳ” (Фикҳ хазинаси) бўлиб, бу асарда ҳанафий мазҳаби ақидалари асосида фикҳий масалалар баён этилади. Асар 40 китобга (бобга) бўлинади. Айрим китоблари ўз навбатида бир неча кичик бобга ажратилган. Асар “Китоб масоил ат-таҳорат” (Таҳоратга оид масалалар китоби) билан бошланиб, “Китобул-васоё” (Васиятлар китоби) билан тугайди. “Хизонатул-фиқҳ”нинг 1467 ва 1814 йиллари кўчирилган икки қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти жамғармасида сақланади.

Олимнинг одоб-ахлоқ масалаларида оид “Бўстон ал-орифин” (Орифлар бўстони) асарида жуда кўп таълим-тарбияга бағишланган тарихий воқеалар, ҳикоялар ва ҳадислар келтирилган. Асар 159 бобдан иборат бўлиб, унда “Илм ўрганиш”, “Салом бериш”, “Ақл ҳақида айтилган нарсалар”, “Одоб”, “Овқат ейиш қоидалари”, “Ичкилик”, “Табобат”,

“Касб”, “Илм ва адаб фазилатлари” каби боблари айниқса диққатга сазовордир.

“Бўстон ал-орифин” жуда кенг тарқалган машҳур асардир. Унинг босма ва қўлёзма нусхалари турли мамтакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. 1815 йили ёзиб тутагитанган қўлёзма ва 1814 йили ёзилган иккинчи бир қўлёзма нусхалари Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланади.

“Танбех ал-гофилин” (Гофилиларга танбех). Бу асар 94 бобдан иборат бўлиб, “Ота-онанинг бола олдидаги ҳуқуқлари”, “Болаанинг ота-она олдидаги ҳуқуқлари”, “Шароб ичиндан қайтариш”, “Ёлгон сўзлашдан қайтариш”, “Гийбатдан қайтариш”, “Ҳасад”, “Етимларга хайру эҳсон”, “Раҳм-шафқатли бўлиш”, “Овқат ейиш қоидалари ва яхши хулқли бўлиш”, “Шарм ҳаёли бўлиш” каби ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга ҳикматли сўзлар келтирилди. “Танбех ал-гофилин”нинг Бухоро амири Ҳайдар (1800—1826) топшириғи билан 1810 йил Бухорода кўчирилган ва 1873 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси ҳамда бир қанча топ босма нусхалари Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу асарнинг бир неча қўлёзма нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимидадир. Ушбу асар ҳозирда Дилмурод Қўноқов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 2000 йил “Мовароуннахр” нашриётида нашр этилди.

Шунингдек, Абул-Лайс ас-Самарқандийнинг “Ан-навозил” (Нозил бўлган (нарсалар). Фатволар тўплами, “Китоб мухталиф ар-ривоя” (Турли ривоятлар ҳақидаги китоб), “Ал-муқаддима фис-салот” (Намоз муқаддимаси), “Китоб баён ақоид ал-усул” (Дин асослари қоидалари баёни китоби), “Китоб асрор ал-вахй” (Ваҳй сирлари китоби), “Китоб қуррагул-улон ва муфаррихул-қалб ал-маҳзун” (Кўзлар қорачиги ва маҳзун дилни шод этиш китоби), “Минҳожул-ибод” (Бандаларнинг йўли) номи муҳим асарлари мавжуд. Абул-Лайс илмий мероси фақатгина мустақиллик шарофати биле ўрғанила бошланди.

Қуйида олимнинг «Баҳрул-улум» тафсиридан намуна келтираемиз:

Абул-Лайс ўз тафсирининг бошида “Бисмиллаҳир-раҳмонир-раҳим” (Меҳрибон ва раҳматли Аллоҳ номи билан боғлайман)ни қуйидагича тафсир қилади.

Омирдан ривоят қилинган ҳадисла шундай дейилади: На-

бни (с.а.в) “Бисмика Аллоҳумма(Сенинг номини билан бошлайман Аллоҳим)”, — деб ёзар эдилар. Худ сурасининг: “Кемага мининглар, унинг туриши ҳам, юриши ҳам Аллоҳ номи билан бўтур” ояти нозил бўлгандан сўнг, «Бисмиллаҳ» (Аллоҳ номи билан), — деб ёзадиган бўлдилар. Исро сурасининг “Айтинг, Аллоҳ деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз” ояти нозил бўлгандан сўнг, “Бисмиллаҳир-раҳмон” (Меҳрибон Аллоҳ номи билан), — деб ёзадиган бўлдилар. Намл сурасининг “Албатга у(макғуб) Сулаймондандир, (макғуб) унда шундай битилгандир: Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман” — ояти нозил бўлгандан сўнг: “Бисмиллаҳир-раҳмонири-раҳим”, — деб ёзадиган бўлдилар.

“Бисмиллаҳ” сўзининг тафсири Аллоҳ номи билан бошлайман дегандир. Аслида “Бисмиллаҳ” (“би” олд кўшимчасидан кейин алиф бор) кўп истеъмол қилингани сабабли, алиф тушиб қолган. Баъзилар унинг маъноси: “Аллоҳнинг ёрдами билан тавфиқи ва баракоти билан бошлайман”. — дедилар, бу бошланиш Аллоҳ исмининг баракасидан бўлсин учун, Аллоҳнинг исмини қироат ва бошқа нарсалар бошпила айтишларига Аллоҳ томонидан бандатарига таълимдир.

Шундан сўнг ас-Самарқандий бошқа кўплаб уламоларнинг ривоятларидан келтиради:

Кисоий айтди: “Аллоҳ сўзи улуг исм, у изоҳланмайди”. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳасан ривоят қилади: “Бу қўйилган исм, у изоҳланмайди”. Заҳҳокдан ривоят қилинади: “Аллоҳ “илоҳ” номи билан номланган, бу сўзнинг маъноси: яратилганлар қийналган пайтларида, бошларини йўқотган пайтларида ҳожатларини ундан сўрайдилар, қийинчиликларида унгагина дуо қилинишидир”. Халил ибн Аҳмад Басрий деди: “Аллоҳ деб номланиши яратилганлар унга ибодат қилганлари учундир”. Аллоҳ исмини баъзилар: “Баланд” сўзидан ҳам олинган деб айтадилар, чунки, араблар баланд нарсани “Лоҳ” дейдилар. Агар куёш чиқса, “Лоҳа чикди”, агар ботса, “Лоҳа ботди”, дейдилар. Яна баъзилар айтдиларки: “Аллоҳ деб номланиши инсон кўзлари уни идрок эта олмаслиги туфайлидандир. “Валоҳ” сўзидан олинган бўлиши ҳам мумкин, чунки у “кўздан яширинган” маъносини англатади”. Яна баъзилар айтдиларки: “Аллоҳ деб номланиши бандаларининг қалбларини ўз муҳаббати билан ҳайратга, ларзага солгани учундир”.

“Раҳмон” сўзининг маъноси, барча яратганларига ризқ бергани, тақводорнинг тақвоси учун ризқини кўнайтирмаслиги, фожирнинг фужури сабабидан ризқини камайтирмаслиги учундир. Раҳмон исми араб тилида “Фаълон” вазниладир – бу муболага учун ишлагилади, масалан, “газбон” — газабга тулиб-тошган маъносини англатади. Шунинг учун, У ўзини Раҳмон деб номлади, раҳмати ҳамма нарсадан кенг, бошқа ҳеч кимни бу ном билан номлаб бўлмайди, чунки бу васф бошқа ҳеч кимда йўқдир.

“Раҳим”нинг маъноси, яъни Аллоҳнинг шундай деб аталиши сабаби эса, фақат Унинг мўминлар учун дўстлиги, уларга бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам раҳм қилиши ва уларни охиратда жаннатга киритиши учундир. Баъзилар, ўзини “Раҳим” деб аташи ҳақида “бандаларининг қўлларидан келмаганига буюрмагани учун”, дедилар. Али (р.а) Аллоҳ таолонинг “Бисмиллаҳ” сўзи ҳақида шундай деган эди: “Унинг исми барча дардларга даво, барча даволарга ёрдамдир. “Раҳмон” сўзи унга иймон келтирганлар учун ёрдамдир, бу ҳам билан Ундан бошқа ҳеч ким номланмаган. “Раҳим” сўзи тавба қилиб, иймон келтирган, яхши амаллар қилганлар учун раҳмдиллигидир”.

Усмон ибн Аффон Расулulloҳдан “Бисмиллаҳир-раҳмонир-раҳим” тафсирини сўраганида, Пайғамбар (с.а.в) шундай деб жавоб берган эканлар: “Ба” ҳарфи Аллоҳнинг синови, шафқати, ёрлами ва гузаллигидир. “Син” ҳарфи улуглиги. “Мим” ҳарфи - Аллоҳнинг мулки. Аллоҳ сўзининг тафсири “ундан бошқа илоҳ бўлмаган зотдир”. “Раҳмон” яхшига ҳам фожирга ҳам раҳмдиллигидир, “Раҳим” эса фақат мўминлар учун раҳмдиллигидир”. Яна баъзилар айтганларки: “Бу Аллоҳ исмларининг бош ҳарфларидир: “Ба” ҳарфи Унинг Басир исми, “Син” ҳарфи Самий исми, “мим” ҳарфи Малик исми, “алиф” Аллоҳ исмининг бош ҳарфи, “лом” ҳарфи Латиф исми, “ҳо” унинг Ҳодий исми, “ра” ҳарфи Развоқ исми, “ҳо” Ҳалим исми, “нун” Нур исмидир”. Буларнинг барчасининг маъноси ҳамма нарсани бошлангичда Аллоҳга дуо қилинидир.

Юртимиздан етишиб чиққан Абул-Лайс ас-Самарқандий каби аллоҳларнинг ўрганилмаган асарлари жуда кўп, уларни чуқур ўрганиб, маърифатимизни ошириш ҳозирги давримиз талабидир.

АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ХОРАЗМИЙ

(ваф. 997)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг ёшлиги Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтди, таълим олди, вояга етди. Ал-Хоразмийнинг ундан кейинги ҳаёти Хуросон билан боғлиқ. У бу ерда вазир Абул-Ҳасан ал-Утрубий ҳузурида котиб бўлиб ишлади. Улуғ ватандошимиз шуҳратининг энг юқори даражага кўтарилган даври айни шу йилларга тўғри келади. Котиблик вазифаси тўғрисида у “ал-котиб ал-Хоразмий” номи билан ҳам танилди. Ўз хизмат вазифалари юзасидан Бухорога тез-тез бориб турди ва кўпгина алломалар билан ҳамсуҳбат бўлди. Айни вақтда илмга чанқоқ олим хизмат асносида амирнинг бой кулбхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган эди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий 997 йилда вафот этган.

Олимнинг дунёқараши ўша даврда кенг тарқалган қадимги юнон фалсафаси ва маданияти, Шарқ намояндалари Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий ҳамда Абу Бакр ар-Розий таъсири остида шаклланган эди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган ягона маълум асари—“Мафотихул-улум” (Илмлар калитлари) бўлиб, бу асар ўша даврнинг илм тили — араб тилида битилган. “Мафотихул-улум”нинг тўрт қўлёзма нусхаси бор леб, ҳисобланиб келинар эди. Ана шу тўрт нусхадан учтаси Буюк Британия музейида 7528,23429 ва 2524 рақамлари ҳамда Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сақланади. Америкалик олим К. Босворт ўтган асрнинг 60-йилларида ушбу асарнинг яна олти нусхасини Истамбул кутубхоналарида борлигини аниқлади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу асари ўрта асрлардаги фанлар ривожланиши тарихига оид нодир манба сифатида кўпгина олимларнинг диққат эътиборини ўзига жалб этди. Илк бор бу манбани голландиялик шарқшунос Ван Флотен ўрганиб, 1895 йили нашр қилади. Шунингдек, И.Ю. Крачковский, В.В. Бартолд, К. Брокелман, Э.Видеман, Г.Саргон, М.М. Хайруллаев, У.И. Каримов, Г.П. Матвиевская, Ҳ.Ҳасанов, А.Шариповлар ҳам асарни тадқиқ этганлар.

“Мафотихул-улум” ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўз давридаги деярли ҳамма асосий фан соҳалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Муаллиф ўрта асрлардаги

ҳар бир илм мазмунини шарҳлаш йўли орқали тушунтириб беради.

Олим илмларни иккига бўлиб, уларни “араб-шаръий” ва “араб бўлмаган”ларга ажратади, яъни ўз даврининг бошқа намояндалари сингари илмлар таснифида уларни икки қисмга бўлиш анъанасига содиқ қолади.

Китобнинг биринчи анъанавий “араб” илмлари қисми ўн бир бобдан иборат фикҳ, етти бобдан иборат калом, ўн икки бобдан иборат грамматика (сарф ва наҳв), саккиз бобдан иборат иш юргизиш, беш бобдан иборат шеър ва аруз ҳамда тўққиз бобдан иборат тарихдан ташкил топган. Иккинчи қисмига эса “араб бўлмаган” қўйидаги илмлар: уч бобдан иборат фалсафа, тўққиз бобдан иборат маънавий, саккиз бобдан иборат тиб, беш бобдан иборат ҳандаса, шунингдек, тўрт бобдан иборат илм ан-нужум, уч бобдан иборат мусиқа, икки бобдан иборат механика ва уч бобдан иборат кимё киритилган.

Шундай қилиб, асарда ўн беш илм ҳақида тўқсон уч бобла маълумот берилди.

“Мафотихул-улум”да илмлар таснифи ҳар бир фаннинг предметини аниқлаш ҳамда уларнинг асосий атамаларини қисқа ва алик баён этиш билан биргаликда олиб борилди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз таснифида ўша давр анъанаси, яъни илмларни иккига бўлишни қўллаб-қувватлаб, шаръий ва фалсафий илмларга ажратади.

АНЪАНАВИЙ АРАБ ИЛМЛАРИ. Шу илмлардан бири фикҳ мисолида муаллиф ислом қонунгунослигининг асоси бўлган Қуръон, пайғамбарнинг ҳадислари ва унинг хиллари; ижмоъ-ислом жамоасининг яқдиллик билан тан олган қарори; шариат қонун-қоидаларига амал қилиш, таҳорат қилиш, намоз ўқиш, азон айтиш, рўза тутиш, закот тўлаш устида тўхталиб ўтади.

Қасомга бағишланган иккинчи бўлимда ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқда мавжуд бўлган кўнгина мазҳаблар ҳақида маълумотлар берилган. Хусусан, мазҳабларнинг еттига бўлиб баён этилиши, айниқса, муътазиллийлар ҳақидаги мукаммал тафсилотлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга грек-христиан мазҳаблари, исломгача бўлган даврдаги Эрон ва Ямандаги диний эътиқодлар, Ҳиндистонда тарқалган баъзи дуалистик мазҳаблар ва оқимлар ҳамда зардушгийлик ҳақида ҳам сўз боради. Бу маълумотлар Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда

Марказий Осиё халқларининг динлари тарихини ўрганишда фоят катта аҳамиятга эгадир.

Араб адабий тили грамматикаси, унинг қонун-қоидалари грамматика бўлимида баён этилган. Айни пайтда муаллиф араб шеърини ва унинг таркибий қисмларидан бўлган аруз устида ҳам муфассал тўхталиб ўтган.

Иш юргизиш бўлими давлат девони, солиқ турлари ва уларнинг олиниши, солиқ йиғувчиларнинг вазифалари, аскарлар рўйхати, уларнинг кийим-кечаги ва туланидиган маонлари, ирригация шохобчалари — дарё (Сирдарё ва Амударё) оралиғидаги суғориш тизимлари ҳақидаги маълумотларни ёритиб бериши билан муҳимдир.

Асарнинг тарих бўлимида афсонавий подшоҳлардан бошлаб, тартиб билан турли давр ва мамлакатлар маликлари, Умарвийлар ва Аббосийлар хатифалиги, исломгача бўлган даврдаги Яман тарихи, Рум ва Юнон тарихи ҳақида муфассал маълумотлар келтирилган. Ўрта асрларда оламлар жамоасининг табақаларга бўлиниши ҳам шу бўлимда зикр этилади.

АНЪАНАВИЙ БЎЛМАГАН “АРАБ БЎЛМАГАН” ИЛМЛАР. Бу илмлар қаторида биринчи бўлиб фалсафа қайд этилиб, унда ушбу илм атамаларининг шарҳи билан бир қаторда илмлар таснифи масаласи ҳам ёритилган.

Арастунинг мантиққа оид китоблари “Шарҳи Хоразмий” асарининг мантиқ бўлимида ўз аксини топади. Унда муаллиф Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёдаги ушбу илм ҳақидаги маълумотлар олдинга сурилган ажойиб юзлардан фойдаланиб, уларни янада бойитди.

Асарнинг табиий илмларга оид бўлимида ўрта аср Шарқда илмий юксалиш даражасини ўрганиш нуқтаи назаридан ниҳоятда маълумотларга бойдир. Тибга оид бўлимда касалликлар, содда ва мураккаб дорилар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу бўлимда ўша давр табobatiда маълум бўлган ва кенг тарқалган мижоз ҳамда қон томири урушига қараб касалликни аниқлаш тўғрисидаги подир тавсифлар берилган.

Кимё бўлимида ҳам Хоразмий ўрта аср Шарқдаги кимёвий билимлар ҳақида ниҳоятда қimmatли маълумотларни келтирадигани, улар Шарқда табиий фанлар ривожини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Риёзиёт бўлимида ўрта аср Шарқдаги математик илмлар ҳолати баён этилади. Ал-Хоразмий математик тушунчани ақшнинг ихтиёрий ижоди эмас, балки объектив оламнинг

маълум томонлари, предметлар муносабатининг инъикоси деб таъқин этади.

Масалан, муаллиф Форобий ғояларини давом эттириб, арифметикани иккига: назарий ва амалийга ажратди. У куб сонлар билан бир қаторда шаклий сонларни кўриб чиқиш орқали назарий арифметиканинг баъзи бир томонларини бойитди. Ҳақдаса ҳам назарий ва амалий қисмларга бўлинади, бу эса ўша даврда унинг бошқа риёзиёт илмлари каби юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Астрономия бўлимида унинг вазифаси билан бирга тарихига оид масалалар ҳам кўриб ўтилди.

Хоразмий ўз таснифида мусиқани риёзиёт илмларига қўнади ва унда мусиқавий асбоблар, товушларнинг ўзаро муносабати, тартиби, сози(ла)л тавсифланади ва охирида ритм ҳақидаги таълимот кўриб чиқилади.

Механика бўлимида оғир юкларни кўтариш ва далаларни ситорини мақсадида инъигиладиган қурилмалар, яъни содда машиналар, уларнинг тузилиши ва вазифалари устида тўхтаб ўтилади. Хоразмий дунёвий илмлар ҳақида ёзганда уларнинг амалий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилади.

Умуман, асарда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз даври табиий ва риёзиёт илмларини яхши билганлиги, уларни назарий фалсафага киритиш билан бир томондан, уларнинг аҳамиятини ошириш ва таъкидлаш, иккинчи томондан, фалсафани бойитишга интиланлиги ўз ифодасини топган. Ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳул-улум” асари ўрта аср маданияти ва маънавиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980—1037)

Европада Авиценна (Avicenna) номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино қомусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли барчаси билан шугулланган. Унинг жуда кўп қўлёзма хазиналарида сақланиб келаётган фалсафа, табobat, физика, химия, математика, геология, минералогия, астрономия, ботаника, дин тарихи, мусиқа, шеърят, филология ва бошқа фанларга оид асарлари алломанинг буюк истеъдод соҳиби ва йирик қомусий олим сифатида шухрат қозонганининг ёрқин тимсолидир.

Илмий адабиётларда Ибн Сино қаламига мансуб 450 дан ортиқ асар қайд этилади. Аммо бизнинг замонамизга уларнинг ярами ёки сал купроғи етиб келган холос. Олимнинг сақланиб қолган асарлари ўз мазмунига кўра қуйидагича тақсимланади: 242 та асардан 80 таси фалсафа, илоҳийёт ва таъаввуфга тегишли. 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси психологияга, 23 таси тиббиёт илмига, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган.

Буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолининг бошланғич қисмини ўзи ёзиб қолдирган. Муаллифнинг ҳаёт йўли ва фаолиятининг сўнгги йиллари ҳақида олимнинг илтимосига биноан унинг солиқ ногирли Журжоний баён этган.

Ибн Сино 980 йили Бухоро ёнидаги қишлоқда туғилиб, ёшлиги Афшонада ўтади. Сўнг унинг ота-онаси Бухорога кўчиб келади ва у Бухорода мавжуд бўлган илмий муҳит таъсирида кўн фацллар билан қизиқиб шуғулланади. У ёшлигиданоқ ноёб истеъдод ва хотира эгаси бўлиб, атрофдагиларни ҳайратга солади. Унинг ёшлиги ва ўспиринлик йиллари Бухорода Сомонийларнинг ҳукмронлик даврига тўғри келади. Бўлажак олим саройининг бой кутубхонасидаги китоблардан фойдаланади, шаҳардаги китоб бозоридан ноёб қўлёзмаларни олиб билимини ошира боради. Унинг ёзишча, кўнларнинг бирида у бозорда Абу Наср Форобийнинг юнон файласуфи Аристотель қаламига мансуб “Метафизика” асари ҳақидаги рисоласини учратиб қолади ва уни тезда ўқиб чиқади, ҳамда аввалги асарларни мутолаа қилганда пайдо бўлган жуда кўн саволларига жавоб топади.

999 йилда Сомонийлар ҳукумати кулаб, шаҳарни Қорачонийлар босиб олади. Ибн Сино бу даврда барча илмларни эгаллаган ва ҳатто рисолалар ёза бошлаган эди.

XI аср бошларида Ибн Сино Хоразм (Урганч)га кўчиб келади ва шоҳ Маъмун саройидаги олимлар билан танишади. Бу ерда Ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абул-Хайр Хаммар, Масихий каби олимлар даврасида ижод қилиб, бир неча рисолалар яратади. Сўнг жанубдан Маҳмуд Ғазнавий давлатининг хуружи орта бориши билан Эронга юз тугали. Эроннинг Гургон, Рай, Исфаҳон каби қатор шаҳарларида сарсонликда кезиб, 1037 йили 57 ёшида Ҳамадонда касалликдан вафот этади.

Ибн Сино юнон, араб, форс олимларининг китобларини, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Бакр Розий, Аҳмад Фарғоний каби ватандошларининг асарларини ўрашди, уларга ижодий ёндошди. Унинг китоблари ва ёзинмалари қадимги юнон илми вакиллари Аристотел, Платон, Евклид, Фалес, Гераклит, Суқрот, Пифагор, Гален, Гипократ каби олимлар асарларидан яхши хабардор эканини кўрсатади. Ушбу илм хазинасига таяниб, ўзининг фалсафа, таботат ва табиат илмларига бағишланган “Шифо китоби” (“Китоб аш-Шифо”), “Тиб қонунлари” (“Ал-Қонун фитиб”), “Нажот китоби” (“Китоб ан-нажот”), “Билимлар китоби” (“Донишнома”) каби йирик асарларини битди.

Кўп қиррали қобилият соҳиби Ибн Сино айниқса, фалсафа ва таботат соҳаларида ўчмас из қолдирди. Унинг бой ижодий меросида фалсафий асарлар асосий уринни эгаллайди. Ибн Сино фалсафий асарларининг энг йириги “аш-Шифо”дир. У тўрт қисм ва 22 жилдан иборат бўлиб, унда мангик, метафизика, физика, математикага оид масалалар талқин этилади.

Ибн Синонинг фалсафага оид йирик асарларидан яна бири “Кўрсатмалар ва насиҳатлар” (“Китаб ал-ишарат ватанбиҳат”)дир. Алломанинг “Ан-Нажот” ва “Донишнома” (форс тилида) деб номланган асарлари эса, “Аш-Шифо” китобининг қисқартмаси ҳисобланади. У ўз илмий асарларини асосан ўша давр дини ва илм фани тили ҳисобланган араб тилида яраттандир.

Ибн Сино жаҳонга машҳур табиб сифатида танилган. Олимнинг асари —“Тиб қонунлари” унга мисли кўрилмаган шухрат келтирди. Ўз мазмунига кўра бу асар тиббий билимларнинг нодир мажмуаси — қомуси ҳисобланади. У беш мусгақил тиббий асардан таркиб топган бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил, ҳар тарафлама ёритиб беради.

Биринчи китобда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети, вазифалари, бўлим ва усуллари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари, соғлиқни сақлаш йўллари, инсон анатомияси каби назарий маълумотлар баён этилади.

“Қонун”нинг оддий дориларга бағишланган иккинчи китобида асосан ўсимликлардан тайёрланувчи 760 та дорининг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари ҳақида муҳим мулоҳазалар келтирилади.

Учинчи китобда инсоннинг айрим аъзолари, жумладан, бош мия, асаб, кўз, қулоқ, бурун, томоқ, қорин касалликлари батафсил таҳлил қилинади.

Асарнинг тўртинчи китоби инсон организмнинг умумий касалликларига бағишланган. Унда иситмалар, жарроҳтик масалалари, суяк синиши, жароҳатланиш, уларни даволаш усуллари ва юқумли касалликлар тавсифланади.

Ниҳоят, “Қонун”нинг бешинчи китобида мураккаб дори-ларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён қилинган.

XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган “Тиб қонунлари” саккиз аср давомида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб мамлакатларида табобат соҳасидаги асосий қўланма вазифасини ўтаб келмоқда. У Европада тиббиёт ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ибн Сино математика, астрономия, физика, химия, минералогия, геология, ботаника, филология, шеърят ва бошқа соҳаларда ҳам унумли қалам тебратди. Унинг мазкур соҳалардаги бир қанча ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Ибн Сино илмий меросини ўрганиш борасида кўп инлар амалга оширилди. Ҳозиргача дунё миқёсида унинг асарлари қатор тилларга таржима этилди ва бир қанча талқиқотлар яратилди.

Жумладан, унинг йирик асари “Тиб қонунлари” олимпнинг ватани Ўзбекистонда биринчи мартаба араб тилидан рус ва ўзбек тилларига таржима этилди ва илмий изохлар билан нашр этилди.

Ибн Синонинг бетақрор илмий мероси атоқли ватандошими знинг инсоният тарихидаги энг буюк қомусий олимлардан бири экани исботидир.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

(973—1048)

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ўрта асрларнинг буюк қомусий олимларидан эди. Унинг буюклиги ўша даврнинг деярли барча фанларига қўшган бетақрор илмий меросида намоён бўлади. Берунийнинг олимпик саतोҳиятига машҳур шарқшунос олим И. Ю. Крачковский “унинг қизиққан илм соҳаларидан кўра қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш

осондир”, деб баҳо берган эди. Ғарб тадқиқотчиларидан М.Мейерхофф эса “Беруний мусулмон фанини намойиш этувчи қомусий олимларнинг энг машҳури бўлиши керак” деган фикрни билдиради.

Олим 973 йили Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида таваллуд топди. У болалик ва ўспиринлик йилларини ўз ватанида ўтказиб, ўша ерда турли илмларни ўрганди ва олим сифатида шаклланди. Беруний замонасининг машҳур олими Абу Наср Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олади, ўша пайтлар Бухорода яшаётган бўлажак олим Абу Али ибн Сино билан ёзишмалар орқали илмий мулоқотда бўлади. У она тилидан ташқари араб, суғдий, форс, сурёний, юнон тилларини, кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганди. Бу эса ўз навбатида Берунийга мазкур тиллардаги асарлар билан чуқур танишишга имконият яратди.

Хоразмдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши натижасида Беруний 998 йили Журжон шаҳрига кетишга мажбур бўлади. У бу даврга қадар Кот ва Рай шаҳарларида ўзининг дастлабки илмий изланишларини бошлаб юборган эди. Журжонда кечган йиллар (998 – 1004 йиллар) Беруний учун йирик изланишлар ва ижодий камолот даври бўлди. Ўзининг биринчи астрономик тажрибаларини 16 ёшда Кот шаҳрида бошлаган аллюма, Журжонда нафақат астрономия ва бошқа табиий фанлар билан шуғулланди, балки тарих ва дин тарихи билан ҳам қизиқди. Олимнинг муҳим асарларидан бири — “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” унинг Журжон саройида хизмат қилган даврида яратилади. 1000-йили тугалланган бу асар муаллифнинг кўп қиррали олим эканини намойиш этди ва унга катта шухрат келтирди. Умуман, Беруний Журжонда ўндан ортиқ асарларни битишга муяссар бўлди.

Беруний 1005 йилда Хоразмга қайтди. Хоразмнинг янги ҳукмдори Абу Аббос Маъмул ибн Маъмул Берунийни ўз саройида катта иззат-ҳурмат билан қабул қилади. Маъмул раҳнамолигида вужудга келган илмий марказда фаолият кўрсатиш билан бирга сиёсий жараёнларда ҳам Хоразмшоҳнинг яқин маслаҳатчисига айланди.

Хоразмнинг Маҳмуд Газнавий томонида босиб олиниши Беруний ҳаётини хавф остига қўйди. У Хоразмшоҳ саройидаги аксарият олимлар, жумладан, устози Абу Наср ибн Ироқ, Абул-Хайр Хаммар ва бошқалар билан бирга Ғазна шаҳрига олиб кетилади.

Маълумки, Хоразм илмий марказидаги олимлардан фақат Ибн Сино ва Абу Саҳл Масихийлар Маҳмуд Газнавий зулмидан хавотирланиб, Газнага эмас, Журжонга қараб йўл олган эдилар.

Берунийнинг 1017-1048 йилларда Газнада кечирган ҳаёти моддий ва сиёсий жиҳатдан машаққатли бўлишига қарамадан, унинг илмий фаолияти учун маҳсулдор давр бўлди. У Маҳмуд Газнавий саройида кечган дастлабки йилларда астрономия ва геодезия масалаларига катта эътибор берди.

Муаллифнинг илмий адабиётларда қисқача “Геодезия” деб юритилган “Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охири чегаралариши аниқлаш” номи астрономия ва географияга бағишланган асари 1025 йилда ёзиб тугатилди.

Берунийнинг “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушуночалар” асари ҳам 1029 йили Газнада ёзилади. Орадан бир йил ўтгандан сўнг, у ўзининг “Ҳиндистон” номи билан таълифланган “Ҳиндларнинг ақлга сизадиган ва сизмайдиган таълимотларини аниқлаш” китобини якунлайди. Бу шунда асарнинг вужудга келишига Маҳмуд Газнавийнинг Ҳиндистонга қилган юришлари сабаб бўлди. Саройнинг энг нуфузли астрологларидан саналган Беруний Маҳмуд Газнавий билан Ҳиндистонда бир муддат истиқомат қилди ва у ерда санскрит тилини мукамал эгаллашга муваффақ бўлади. У бу тил ёрдамида ҳиндларнинг тарихи, урф-одати, маданияти ва фани билан яқиндан танишди ва натижада юқоридаги асарини таълиф этади. 1030 йили Маҳмуд Газнавий вафот этиб, тахтга унинг ўғли Масъуднинг ўтириши Беруний аҳволини анча яхшилабди. Олим ўзининг астрономияга оид энг йирик асарини мазкур ҳукмдорга бағишлаб “Масъуд қонуни” деб атабди. Ўрта асрнинг машҳур олимларидан Ёкут ал-Ҳамавийнинг ёзишига кўра, султон Масъуд бу асар учун Берунийга бир филда ортган катта миқдордаги кумуш тангалар ҳадя этади.

Ёкут ал-Ҳамавийнинг фикрича, “Масъуд қонуни” китоби математика ва астрономия бўйича ушунча ёзилган барча китобларнинг изини ўчириб юборган.

Олим султон Масъуднинг ўғли Мавдуднинг ҳукмронлик йилларида (1041—1049) ўзининг “Минераюгия” ва “Фармакогнозия” деб аталган икки асарини ёзади. Уларнинг ҳар бири мазкур соҳалардаги бетақрор асарлардан бўлиб, жаҳон

маланиягининг ноёб дурдона таридан ҳисобланади. Абу Райҳон Беруний 1048 йили Ғазна шаҳрида вафот этади.

Олим ёзиб қолдирган 160 дан ортиқ асарлари билан астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, табobat, фармакогнозия, тарих, филология ва бошқа фанларнинг ривожига ноёб ҳисса қўша олди.

Берунийнинг бетакрор ижоди унинг ватани Ўзбекистонда алоҳида эътибор қозонган.

АБУЛ-МУЪИН АН-НАСАФИЙ

(1027—1114)

Абул-Муъин ан-Насафий номи билан машҳур бўлган алломанинг тўлиқ исми Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътаמיד ибн Мақхул бўлиб, у 1027 йилда Насаф (Карши)да таваллуд топган. Узоқ йиллар Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод қилган. У ҳақидаги айрим маълумотлар насафлик бошқа бир олим — Умар ибн Муҳаммад ан-Насафийнинг “ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд (“Самарқанд олимлари зикрида қанлдек (ширин) китоб”) номли асарида келтирилади. Унинг ёзишича, “Шарқу Ғарбнинг олиму уламолари Абул-Муъин ан-Насафий илмининг денгизидин баҳра топиб, ул таратган зиё нурларини кўзларига тўтиё келиб сурганлар”. Аллома 1114 йили 87 ёшида Самарқандда вафот этган.

Манбаларда келтирилишича, ан-Насафий ўн бешта яқин асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти қалом илмининг турли масалаларига бағишланган.

Ан-Насафийнинг илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарларидан қуйидагилари мавжуд:

1. Ал-Умда фи усул ал-фикҳ.
2. Баҳр ал-қалом фи илм ал-қалом.
3. Табсират ал-адиллати фи илм ал-қалом.
4. Ат-Тамҳид ли-қавоъид ат-тавҳид фи илм ал-қалом.
5. Ийзоҳ ал-маҳажати ли-кавн ал-ақд ҳужжатан.
6. Шарҳ ал-Жомий ал-кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ.
7. Маноҳиж ал-айммати фи ал-фуруъ.
8. Муътақодот.

Алломанинг “Баҳрул-қалом” асари алоҳида аҳамиятта эгадир. Асардаги айрим маълумотлар ҳақида фикр юриганимиз.

“Баҳрул-калом”нинг олтинчи бобидаги биринчи фасл (булим) тўрт банддан иборат бўлиб, улардан биринчиси “ал-Имомат” (Имомлик) деб аталган. Мана шу бандда келтирилган Пайғамбар алайҳис-саломнинг икки ҳадиси катта илмий аҳамиятга эга. Биринчиси: “Иқтаду биллазийна мин баъди Аби Бакр ва Умар” (бу ҳадисларни Имом ат-Термизий, Имом ибн Можа, Аҳмад ибн Ханбал ва бошқа бир қанча муҳалдислар ўз асарларида ривоят қилганлар). “Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга иқтидо қилинганлар” деган бўлишига қарамай халифалик устида икки кун баҳс бўлган.

Иккинчи ҳадис: “Мендан кейин халифалик ўттиз йил, ундан кейин амирлик, подшоҳлик ва ҳоказолар бўлади” деган фикрлари нақалар тўғрисида алоҳида қайд қилиш зарур. Чиндан ҳам бу муддат (яъни, ўттиз йил) чорёрлар пайтида тутаган. Ҳозирги вақтда “халифалик”ни орзу қилиб юрган баъзи кимсалар учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу ҳадислари асосли жавобдир. «Баҳрул-калом» калом илми бўйича ал-мотуридийя мактабининг асосий китобларидан бири ҳисобланади. Чунончи, бу асар Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган исломий ақиданинг энг бош манбаларидан саналади. Айниқса, ҳозирги пайтда бу асарнинг илмий ва амалий аҳамияти беқиёс даражада каттадир.

Абул-Муъин ан-Насафий ўз китобини яратишда Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Ат-Тавҳид”, Имом Абул-Ҳасан ал-Ашъарийнинг “Ал-Ламъа”, “Мақолат ал-исломийинг”, Имом ал-Ҳарамайи, Имом Абул-Маълий Абдулмалик ал-Жувайнийнинг “ал-Иршод” номли асарларидан фойдаланган.

“Баҳрул-калом фи илми-л-калом” асари атлома ижодининг гуттожи ҳисобланади. У ислом дини фалсафасини тапқил қилган калом илми бўйича энг қимматли манбалардандир. Асарни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва ўзбек тилига таржима қилиш олимларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири. “Баҳрул-калом”нинг бир қанча қўлёзма ва босма наشرларининг мавжудлиги ҳам унинг муҳим манбалардан эканлигидан далолат беради. Унинг қимматли қўлёзмаларидан бири Дубайдаги Жумъал-Мажид номли маданият ва мерос марказида (766-рақамдаги бу қўлёзма 1167 ҳижрий йилда кўчирилган), иккинчиси Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонаси

нинг қўлёзмалар бўлимида (4970-рақам остида), учинчиси Бағдоддаги “Мақтабат ал-авқоф” да (4365-рақамда), тўртинчиси Қоҳирадаги машҳур “Дор ал-кутуб” нинг (113-рақамда) қўлёзмалар бўлимида сақланали. Ушбу қўлёзмининг 950 ҳижрий (1544 милудий) йилда оддий хат билан кўчирилган бошқа бир нусхаси Искандариянинг “ал-Мақтабат ал-баладиййа” номи кутубхонасида (2109-рақамда)мавжуд. Асар муҳим манба сифатида икки марта, 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Қоҳирада чоп этилган. Лекин ушбу нашрлар талқиқотсиз амалга оширилган бўлиб, фақат асар матнидан иборат.

“Баҳрул-калом”га айрим шарҳлар ҳам битилган. Жумладан, олим Бадруддин Ҳасан ибн Абу Бакр Аҳмад ал-Мақдисиий (1415 йили вафот этган) асарга бағишлаган шарҳини “Ғоят ал-маром фи шарҳи “Баҳр ал-калом” деб атаган. Бу шарҳнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб”(123-рақам)да, бошқаси (1118 ҳижрий — 1697 милудий йилда кўчирилган бу қўлёзма 2368-рақам остида) Мисрдаги “Ал-мақтабат ал-хадйавиййа”да сақланади. Таниқли араб олими Хожи Халифа ўзининг машҳур “Кашф аз-зунун” асарида “Баҳрул-калом”га ёзилган фақат шу шарҳ ҳақида зикр қилган, холос.

Сирасини айтганда, буюк ватандошимиз Абул-Муъин ан-Насафий ҳаёти ва унинг илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш маданиятимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир.

Имом ал-Мотуридий таълимотининг дунё миқёсида, айниқса, мусулмон оламида кенг қўламда тарқалишида унинг шогирдлари ва издошларининг ҳиссаси катта бўлди. Аллома таълимотининг бугун мазмун-моҳиятини муфассал шарҳлаб, унинг том маънода муҳим бир таълимот сифатида эътироф этилишида улкан хизмат кўрсатган олимлардан бири шубҳасиз Абул-Муъин ан-Насафий ҳисобланади. Устози Абу Мансур ал-Мотуридий вафотидан саксон йил кейин дунёга келган ан-Насафий Имом ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимотини ҳар томонлама асослаб баён қилиб, илмий даражасига таянган ҳолда унинг бугун моҳиятини муфассал равишда шарҳлаб берди.

Илмий адабиётларда қисқача «Табсираг ал-адилла» номи билан машҳур бўлган бу асар тўлиғича «Табсираг ал-адилла фи усул ад-дин ало тариқ ал-имом Аби Мансур ал-Мотуридий» («Дин усулларини Имом Абу Мансур ал-Мотуридий

тариқатига биноан далиллар билан шарҳланган”) деб аталади. Асар номидан ҳам кўриниб турганидек, бугун мазмун моҳияти билан Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотини далилларга таянган ҳолда шарҳлашга бағишланган.

Маълумки, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмига бағишланган асосий асарларидан бири «Китоб ат-тавҳид» (Якка худодик ҳақида китоб) бўлиб, бу асар 1970 йилда Байрулда араб олими Фатхулла Хулайф томонидан нашр этилган. Ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилга» асари Имом ал-Мотуридийнинг «Ат-Тавҳид» асаридан кейин мотуридийга таълимоти бўйича яратилган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Калом илмининг масалалари батафсил ёритилганлиги ва ўз услубининг оддийлиги жиҳатидан «Табсират ал-адилга» айрим олимлар томонидан, ҳатто, «Китоб ат-тавҳид»га қараганда ҳам юқори баҳоланган. Бинобарин, комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, Абул-Муъин ан-Насафийнинг ушбу асаридан бошқа бирорта ҳам асарда Имом ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимоти шунчалик даражада мукаммал ҳолда ўз ифодасини топмаган.

Шу боисдан бўлса керак, илм аҳли ўртасида Абул-Муъин ан-Насафий оддийгина “Соҳиб ат-Табсира” (“Ат-Табсира”нинг муаллифи) лақаби билан ҳам машҳур бўлган.

Мавриди келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Имом ал-Мотуридий яшаб фаолият кўрсатган IX асрнинг иккинчи, X асрнинг биринчи ярмида калом илми энди пайдо бўлиб, унинг турли масалалари ҳали кенг кўламда идрок этилиб, қатъий бир таълимот сифатида қарор топмаган эди.

Ан-Насафий яшаган XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг бошларида эса бу илм ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Шу боисдан ҳам “Ат-Табсира”да нафақат калом илмида мустақил мактаб яратган Имом ал-Мотуридий ва Имом ал-Ашърийнинг бу илм соҳасидаги назариялари, балки бир қатор бошқа кўлаб мутакаллимларнинг фикр-мулоҳазалари, уларнинг хилма-хил қарашлари ҳам атрофлича таҳлил қилиниб, илмий жиҳатдан тегишли баҳосини олган. Айниқса, асарда Насафий яшаган даврда ҳам қисман мавжуд бўлган муътазила оқимининг вакиллари билан кескин баҳсу мунозаралар, уларнинг хато қарашларига далиллар билан исботланган раддиялар келтирилади. Шунингдек, асарда ўша пайтда ислом динида кенг тарқалган турли-

туман фирқалар ва тоифалар ҳамда ғайри исломий гуруҳларга ҳам кескин жавоблар келтирилади. Энг муҳими муаллиф калом илми соҳасидати бу йирик асариди мотуридийна, анбарийна ва муътазиллийна оқимлари ўртасидати асосий фарқларни далилларга таянган ҳолда алоҳида ажратиб кўрсатади.

Ҳажм жиҳатидан гоят катта (икки жилддан ташкил топган бу асар минг саҳифадан ортиқ) бўлган бу қимматли манба араб тилини ўрганиш бўйича француз илмий институти томонидан Дамашқда икки жилда (биринчи жилди 1990 йилда, иккинчи жилди 1993 йилда) нашр этилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Табсират ал-адилла”нинг ушбу биринчи нашри илмий нуқтаи назардан қимматли бир талқиқот ҳисобланиб, уни ҳар томонлама талқиқ этиб, ўзбек тилига таржима қилиш, буюк аллома Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридийна таълимотини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Абул-Муъин ан-Насафийнинг калом илмига оид яна бир асари “Китоб ат-тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид” ҳисобланади.

Бу асар Қоҳирада 1986 йилда нашр этилган (шошир Ҳабибулло Ҳасан ал-Аҳмад). Калом илмининг йирик йўналишларидан бўлган имом Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган ал-мотуридийна таълимотининг дунё бўйлаб ёйилишида аллома Абул-Муъин ан-Насафийнинг ҳиссаси беқиёсдир. Бу борада, айниқса, унинг қаламига мансуб “Китоб ат-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” (Тавҳид (яккахудодлик) қоидаларининг шарҳига оид китоб) асари алоҳида аҳамиятга эга. Асар икки катта қисмдан иборат бўлиб, ўз навбатида бу қисмлар ҳам боб ва фаслларга бўлинган. Масалан, биринчи қисмнинг дастлабки бобларида имом Абул-Муъин ан-Насафий яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар келтирилади. Буларда ан-Насафий яшаб ўтган даврдаги сиёсий, ижтимоий ва илмий-маданый ҳаёт ўз аксини топган. Шундан кейин, ан-Насафий туғилган йили, унинг устозлари ва ўндан ортиқ шоғирлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Талқиқотнинг иккинчи қисмида ан-Насафийнинг “Китоб ат-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид” асарининг маъни келтирилиб, илмий равишда ҳар томонлама чуқур талқиқ этилган. Дастлаб асарнинг муаллифи Абул-Муъин ан-Насафий эканлиги ишончли далиллар билан исботланади. Асарнинг қўлёзмалари ҳақида гапирилиб жаҳоннинг турли қўлёзма хазиналарида, асосан Миср ва Туркия кутубхоналарида унинг ет-

гита қўл ёзмаси мавжудлиги таъкидланади. Муаллиф ушбу асарига ёзган муқаллимасида асарни ҳоқимлардан бири унга аҳли ас-сунна вал-жамоанинг ақиласи ҳақида бир китоб битиши ҳусусидаги илтимосига қўра биттанлигини баён қилади. Шундан кейин, асарнинг мазмуни ва маъноси таҳлил қилиниб, жумладан, муаллиф билиш (маърифат) назариясининг йўл-йўриқларини баён қилади ва уларни уч хил тоифага ажратади:

- сезги аъзолари (бешпа);
- ҳақиқий, ишончли ахборотлар;
- ақл-идрок орқали.

Муаллиф, шунингдек, имон-эътиқод, имомлик (имомат) ва халифалик ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Ушбу бобда билдирилган қарашларни хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абул-Муъин ан-Насафий калом илми, айниқса, унинг асосчиларидан бири Абу Мансур ал-Мотуридий ғояларини ҳимоя қилиб, унинг кенг қўламда тарқалишига муносиб ҳисса қўшган аштомалардан бири бўлган. Тадқиқотнинг иккинчи қисмида “Китоб ат-тавҳид ли қаваид ат-тавҳид” асари тўлиғича келтирилиб, илмий таҳлил қилинган. Унда асар бобма-боб келтирилиб, ундаги оламнинг тузилиши, Аллоҳнинг зоту сифатлари, инсонда ирода эркинлигининг мавжудлиги, қабр азоби каби турли-туман масалалар ҳақида муаллифнинг фикрлари келтирилган, имом ан-Насафийнинг ҳилоят йўлидан адашган баъзи фирқалар ва гуруҳларга (масалан, жабариййа, хавориж, муътазилыййа) берган асосли раддиялари ҳам асарда ўз ифодасини топган. Умуман, Абул-Муъин ан-Насафий маънавиятимиз, маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган олим сифатида ўз қадрини топмоғи лозим.

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ (1075—1144)

Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий ҳижрий 467 йил 27-ражаб чоршанба куни, милодий 1075 йил 19 мартда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида таваллуд топган. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг отаси унча бадавлат бўлмаса-да, ўз даврининг саводли, тақводор, диёнатли кингиси бўлган ва Замахшардаги бир масжидда имомлик қил-

ган эди. У хулқи-атвори яхши, ширинсухан ва ғоятда мурувватли киши бўлиб, бу фазилатлари билан эл орасида катта обрў-эътибор тошган. Бўлғуси олимнинг онаси ҳам тақводор, диёнатли аёл бўлгани маълум.

Аз-Замахшарий дастлабки билимларни ўз отаси Умар ибн Аҳмаддан олди. Бир оёғи чулоқ бўлиб қолгач, отаси тикувчилик ҳунарини эгалласин деб уни тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Аммо, ёшлигидан илмга интилган Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага ўқишга юборишни илтимос қилади. Ўзидаги илмга бўлган зўр иштиёқни сезган ота унинг раёйига юрди. Ана шу пайтдан ёш толиби илм фаннинг турли соҳалари билан қизиқиб, уларни ноёб истеъдод ва ажойиб ижтиҳод била эгалтай бошлайди. Шу билан бир қаторда ўша даврда илм аҳллари орасида муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сиру асрорларини ҳам мукамал ўзлаштиради. Араб тарихчиси Ибн Ҳалликоннинг (1211—1288 й.й.) ёзишича: “Талабалик ёшига (12 ёшларга) етгач, ўз билимини ошириш ва ҳар томонлама мукамал билимга эга бўлиш мақсадида у Бухоро шаҳрига йўл олади. Чунки, Бухоро ўша пайтда, машҳур олим Абу Мансур ас-Саолибийнинг ибораси билан айтганда “Сомонийлар давридан бошлаб шон-шухрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адиблари тўпланган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган жой эди”.

Олимнинг шундан кейинги ҳаёти хорижий ўлкаларда кечади. Дастлаб у Хуросонга йўл олади. У ердаги давлат арбоблари билан боғланиб, уларга малҳиялар бағишлайди. Шулардан бири Тожуд-Давланинг ноиби Мужируд-Давла Абул-Фатҳ Али бин ал-Ҳусайн ал-Ардистоний эди. Аз-Замахшарий грамматикага оид “Шарҳ абйат Сибавайҳ” ва “ал-Унмузаж” номли асарларини унга бағишлайди.

Сўнгра яна сафарга отланиб, салжуқийлар давлатининг пойтахти Исфаҳонга келади. Бу давлат султони Муҳаммад ибн Абул-Фатҳ Маликшоҳ адолатлилиги, гўзал хулқ-атвори ва жасурлиги билан машҳур эди. Аз-Замахшарий султоннинг хайрли ишларига бағишлаб малҳиялар ёзади. Ўзининг “Муқаддামатул-адаб” асарини эса Хоразмшоҳ Алоуддавла Абул-Музаффар Отсизнинг илтимосига биноан ёзади ва унинг илм аҳллари ва адибларга нисбатан ғамхўрлигини алоҳида таъкидлайди.

1118 йилда аз-Замахшарий оғир бир дардга чалинади ва кўп азоб-уқубатлардан кейин шифо топгач, эндиги умрини фақат илм-фанга, шоғирдлар етиштиришга бахшида этиб, асарлар яратишга астойдил азму қарор қилади. Тўла соғайгандан сўнг, яна сафарга чиқиб Бағдодда тўхтайди. Бу шаҳар олимларидан сабоқ олиб, қизгин мунозараларда қатнашади.

Бир муддат Бағдодда яшагач, Маккага боради. Макка аҳли, унинг амири Абул-Ҳасан Али ибн Ҳамза аш-Шариф ал-Ҳасаний ибн Ваҳҳос аз-Замахшарийни яхши кутиб олади.

Маккада икки йил умр кечирган олим ватанига қайтди-да, бир неча йил Хоразмда яшаб, ижод билан машғул бўлади. Сўнгра яна илм талаби билан сафар ихтиёр этади. Дамашқ аҳли донишларидан баҳра олади, Маккаи мукаррамада уч йил туриб билим ва ижодий малакасини такомилга етказди. Айтмоқ зарурки, Ибн Ваҳҳос бу навбат ҳам аз-Замахшарийни илиқ қарши олиб, унга гоётада иззат-икром кўрсатади. Амирнинг самимий ёрдамидан илҳомланган аз-Замахшарий ўзининг Қуръони карим тафсирига бағишланган машҳур “Ал-Кашшоф”ни ёзиб тугатади. Сўнгра Хоразмга қайтиб келиб, ижод билан машғул бўлади ва 583 йилнинг арафа кечаси (милодий 1144 йил) Журжон (ҳозирги Кўҳна Урганчда)да вафот этади.

Маҳмуд аз-Замахшарий илм истаб Хуросон, Шом, Ҳижоз каби шаҳарларда бўлганида ўша даврнинг машҳур олимларидан сабоқ олди, улар билан илмий, ижодий мунозараларда иштирок этди. Дўстона, самарали ҳамкорлик ишларини боғлади.

Алломанинг кўплаб шоғирдлари бўлган. Айниқса, Маккада яшаган пайтларида ислом оламининг турли бурчакларидан келган зиёратчилар ибодат билан бирга зоти комилдан илм олар эдилар. Унинг устозлари ҳамда шоғирдлари турли миллатларга мансуб бўлган. Илм йўлида аз-Замахшарий том маънода ҳақиқий байналмилаллик фазилатларини намоён қилган бағри кенг инсондир. Чунончи, бу фозил кишидан Замахшарда, Хоразм, Табаристон, Абиварда, Ҳалаб, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бевосита сабоқ олган шоғирдларидан ташқари, етук асарларини мутолаа қилиб, илм ўрганганлари туфайли ўзини аз-Замахшарийнинг шоғирди-ман деб ҳисоблаганлар, яъни, барини гойибона тутганлар ислом оламида бисёр эди.

Аз-Замахшарий Куръони карим тили — араб тилига ёнлигидан катта ҳавас ва ишғиёқ билан қаради. Арабларнинг ҳаёти ва урф-одатларини, турли лаҳжаларини йиллар давомида чуқур ўрганди. Бу ҳаракатлар араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир қанча муҳим асарларнинг яратилишига олиб келди. Унинг шу йўналишда ёзилган “Муқаддима тул-адаб”, “Ал-Муфассал”, “Асосул-балоға” каби йирик асарларининг жумлаи жаҳонга долғи кетган. Арабларнинг ўзи ҳам “Агар хоразмлик шу кўса, чўлоқ бўлмаганда, араблар ўз тилларини билмас эдилар!”, деб алломага юксак баҳо берганларки, бу эътирофнинг ўзи ҳар қандай таърифдан баланд туради. Аз-Замахшарий ижоди билан танишар эканмиз, яна бир ибратли ҳолнинг шоҳиди бўламиз. У ўзидан олдин янаган қатор алиб ва олимларнинг илмий фаолиятини, ижодини кўнг билан ўрганди, уларнинг услуб ва маҳоратидан унумли фойдаланган, айниқса, йирик араб файласуфи ва адиблари ал-Жоҳиз (869 йилда вафот этган) ва ал-Ҳаририй (1054—1122 йиллар)нинг ижодларига катта баҳо берган эди.

Аллома аз-Замахшарий ўз умрининг аксар қисмини хоррий юртларда, мусофирликда ўтказгани билан, ўз юрти Замахшар, ўз она ватани Хоразмни жуда қаттиқ севади, ҳақиқий ватанпарварлик ҳиссиётларини намён қилгани ҳолда, унга мадҳиялар бағишлаб, “Хоразм заминиде шунчалик кўн фазилатлар мавжудки, дунёнинг бошқа бирор мамлакатиде ҳам унақасини кўрмадим”, деб ўз ватани Хоразмни ифтихор билан таърифлайди.

Манбалар устоз тилшуноснинг табиати, феъл-атвори борасиде шундай маълумот бердилар. Аллома ҳазил-мутоиббага мойил, ҳозиржавоб ва ўрни келсе, у айбини эътироф этиб тап оладиган иродасе кучли инсон бўлган. Аз-Замахшарийга замондош олим, қатор асарлар муаллифи Абул-Фазл ал-Майдоний (вафоти 1124 й.) “Ал-Ҳодий ли шодий” (Дастлабки илм олувчиларга қўлланма) номли асар ёзди. Бу китоб мазмун моҳияти жиҳатидан гоёт кенг қамровли бўлиб, мукамал билим олувчилар учун ҳам фойдали бўлгани учун асарнинг номи аз-Замахшарийга ёқмайди. Шу сабабли, у Майдонийга китобни номувофиқ номлаганини айтиб танбеҳ берди ва ўз асарларидан бириде “майдоний” сўзининг олдида “на” (яъни “нун”) ҳарфини кўйиб уни форсча “намийло-

ний” (ҳеч нарсани тушунмайдиган, билмайдиган) атаб, мутойиба қилади.

Буюк аллома аз-Замахшарийнинг бой илмий ва адабий мероси Шарқда ҳам Ғарбда ҳам азалдан қадрланган, ўрганилган, аксар асарлари бир неча хорижий тилларга таржима қилинган. Буюк мутафаккир бизга бой ва улкан илмий мерос қолдирган. Унинг асарлари мазмун жиҳатидан илм-фаннинг кўпгина соҳаларини қамраб олади. Олимнинг асарларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) диний илмлар;
- б) тафсирунослик;
- в) луғатшунослик;
- г) грамматика;
- д) аруз;
- е) адабиёт;
- ж) мантиқ;
- з) география.

Аз-Замахшарий асарлари нафақат ўз даврида, балки то бизнинг давримизгача ҳам илмий аҳамиятини йўқотмаганлигини олимлар эътироф этишади. Маҳмуд аз-Замахшарий мусулмон дунёсида “Устозул-араб вал-ажам” (“Араб ва араб бўлмаган халқлар устози”), “Устозуд-дунё” (“Олам устози”), “Каъбатул-удабо” (“Адиблар каъбаси”), “Жорултоҳ” (“Аллоҳнинг кўшнисси”) каби шарафли номларга сазовор бўлган. Бу номлар олим илмий меросининг илмий-амалий аҳамиятидан келиб чиқиб берилган. Аз-Замахшарий илмий мероси узоқ муддат юртимизда ўрганилмай келинди, лекин араб, шарқ, ғарб мамлакатларида уларни ўрганиш тўхтатилгани йўқ. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ушбу соҳада ҳам сезиларли ўзгариш рўй берди. Жумладан, алломанинг машҳур “Муқалламагул-адаб”, “Унмузаж”, “Ал-фойиқ фил-ғарибил-ҳадис” каби асарлари ўрганилди ва улар юзасидан айрим талқиқотлар яратилди.

Бироқ, аз-Замахшарий илмий мероси ҳали очилмаган кўриқ. Унинг асарлари айниқса мустақиллик йилларида муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Чунки, улар ёшларни иймон-эътиқоли, маънавий етук, илми инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Аз-Замахшарий ўзининг манхур “Атвоқ аз-заҳаб фил-мавоиз вал-хутаб” — “Ўғит ва ва насиҳатлар

нинг олгин шодалари” номли асарида шундай ёзди: “Эй фарзанд! Аввало сен илмни, одобни, сўнгра тақводор бўлгин. Илм сенга ота, тақводорлик эса она бўлсин. Ўзингни доимо мана шу икки меҳрибон бағрида тутгин. Шундагина Тангри таоло сени доимо ўзи асрагай”.

Маҳмуд аз-Замахшарий илмий меросида “Ал-муфассал”, “Ал-Кашшюф”, “Муқаддаматул-адаб”, “Асосул-балоғ”, “Мақомот”, “Атвоқуз-заҳаб” каби ўлмас асарлари муҳим ўрин эгаллайди. Улар жаҳон тафаккури, маънавийги хазинасига дурдона асарлар сифатида киритиланди.

“Ал-муфассал” ўзининг илмий аҳамияти, ҳажми билан Сибавайҳининг “Китоб” илан кейинги ўринда турадиган манба бўлиб ҳисобланади. Ўз даврида Шом ҳокими Музаффариддин ушбу асарни ёд олган кишиларга беш минг кумуш тангалан инъом берган эди.

Алтома кенг қамровли тафаккур соҳиби бўлган. Фикри-мизни Хоразмшоҳ Алоуддавла Отсиз унга ўзининг бой, маъмур кутубхонаси учун китоб ёзиб беришни тошширгани тасдиқлаши мумкин. «Муқаддаматул-адаб» деб номланган бу асар фан, маланият, санъат, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари бўйича маълумот берувчи қомусий манбадир. Энг эътиборлиси шундаки, маънавий меросимиз тарихида шунчалар шўрат гониб, бир неча тилларга таржима қилинган бу каби асар учрамайди. “Муқаддаматул-адаб”нинг арабча-форсча, арабча-туркий, арабча-хоразмийча, арабча-форсча-туркий, арабча-форсча-туркий-муғулий тиллардаги сўзлик киритилган қўлёзмалари мавжуд.

Олимнинг “Ал-Кашшюф” номи билан танилган машҳур тафсири ўзининг филологик таҳлили жиҳатидан бошқа тафсирилардан фарқланади. Мусулмон дунёсида мазкур тафсир ҳозирга қадар асосий манба сифатида ўқитиб келинмоқда.

Олимлар аз-Замахшарийнинг илмий мероси ҳақида турли маълумотлар берадилар. Яқин кунларга қадар унинг элликдан ортиқ асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотга эга эдик. Энг янги сўнги манбалар алломанинг 66 та асари мавжудлигини қайд этмоқда.

Олим асарларини чуқур ва жилдий тадқиқ этиш, ўрганиш, улар билан олимизни яқиндан таништириш бугунги мустақиллик даврининг маънавият соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

(ваф. 1142)

Абдулхолиқ Фиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (ваф. 1142 й.) халифаларидан тўртинчиси бўлиб, хожалар тарикатининг асосчиси эди. Фиждувоний асос солган бу мактаб Марказий Осиёдаги тасаввуфнинг мустақил йўналиши бўлиб, кейинчалик нақшбандия тарикатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд томонидан тўлалигича қабул қилинган.

Абдулхолиқ Фиждувоний Бухоро вилоятининг Фиждувон даҳасида туғилган ва вафот қилган. У Бухородан олти фарсах (бир фарсах—6—7 чақирим) узоқликда жойлашган. Отасининг исми Абдулжамил бўлиб, “имом” деган ном билан машҳур эди. У киши ўз даврининг улуғи, зоҳирий ва ботиний илмларнинг олими сифатида машҳур бўлган. Хожа Абдулхолиқнинг падари бузруквори ва волидаи муҳтарамаси Румда яшар эдилар. Онаси Рум подшоларининг авлодидан бўлган. Тақдир тақозоси сабабли Абдулжамил ўз оиласи билан Мовароуннаҳрга кўчиб келиб, Фиждувон шаҳрида турғун бўлади. Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ шу ерда туғилиб, нашъу намо топади. Ёшлик айёмида Бухоро шаҳрига келиб, илм таҳсили билан машғул бўлади.

Манбаларда Абдулхолиқ Фиждувоний узун бўйли, гўзал юзли, нурли бир сиймо сифатида тасвирланади.

Мухлис Намангонийнинг “Тухфатул-обидин” асарида Абдулхолиқ Фиждувонийнинг камолот даражалари тараннум қилинган куйидаги назмлар келтирилган:

*Гулишани жаҳон ичра сарви навниҳолим бор,
Етмайин висолиға нолайу фиғоним бор,
Бор фурқати бирла қомати камоним бор,
Арз-додим айтарға салтанатли хоним бор,
Бошима ҳумо янглиғ, шижур, соябоним бор,
Фавсу муришиди қомил Хожани Жаҳоним бор.*

Абдулхолиқ Фиждувонийнинг устози имом Садриддин деган улуғ зот бўлиб, замон уламоларининг машҳурларидан эди. Кейинчалик, машҳур шайх Хожа Юсуф Ҳамадоний Бухорога келганидан сўнг, Хожа Абдулхолиқ унинг суҳбатидан баҳраманд бўлди.

Юсуф Ҳамадоний силсилаи шарифда тўққизинчи ҳалқанинг ширин муршиди эди. “Қутбул-аср”, “Шоҳи Ҳамадоний” деб эъвозланган бу зоти шарифнинг исми Абу Яъқуб Юсуф ибн Аюб Ҳамадонийдир. Бу зот 1050 йилда туғилиб, 1142 йилда Марвда вафот этган. Қабри шу шаҳарда бўлиб, бу мавзе “Хуросон қабаси” сифатида эъвозланади. Юсуф Ҳамадоний “Зийнатул-ҳаёт”, “Манозилус-соирин”, “Манозилус-соликин” ва бошқа асарлар муаллифидир. У Ҳирот, Балх, Самарқанд, Макка, Мадинада бўлган. Олим Бухорога келиб, мактаб очиб, сабоқ берган ва айни вақтда этикдўзлик касби билан шуғулланган. Ҳамадонийнинг қадамжолари Бухоронинг Корхона (Ўзбекистон) гузариди жойлашган бўлиб, бу кулбада Юсуф Ҳамадонийдан Барқий, Андоқий, Аҳмад Яссавий билан бирга Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳам таълим олган.

Абдулҳолиқ Гиждувоний Марказий Осиёда илк тасаввуфий тариқат — Ҳожагон тариқати асосчисидир. Унинг таълимоти моҳияти “Маноқибини Ҳожа Юсуф Ҳамадоний”, “Ибтидои жомеъ ал-қалом”, “Васиятнома”, “Маслак ал-орифин”, “Рисолаи тариқат”, “Рисолаи саҳобия”, “Рисолаи шайх аш-шуғуҳ ҳазрати Ҳожа Абу Юсуф Ҳамадоний”, “Мақсад ас-соликин” ва “Одоби тариқат” каби асарларида ёритилган.

Абдулҳолиқ Гиждувоний 1220 йилда вафот этган. Аллома қарашларининг шаклланишига маломатия таълимоти ва қаландария ҳаракати ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган. У тасаввуф амалиётига биринчи бўлиб, “зикри дил” (зикрни овоз чиқармасдан фикрий айтиш) тарзини киритди. Абдулҳолиқ Гиждувоний кишиларни ихтиёрий равишда дунёнинг моддий лаззатларидан тийилиб, камтарона ҳаёт кечиринишга, руҳни пок сақлашга чақирди. У ҳукмрон доиралар билан муомалага киришдан, давлат хизмагидан ўзини тийишни тарғиб этди. Ўз муридлари учун жиддий равишда риоя этилиши шарт бўлган хағти-ҳаракат қоидаларини ишлаб чиқди. У хонақоҳлар куриб, унда яшашни ҳам маъқул топмади. Усулий жиҳатдан мусиқа оҳанглари остида зикр гушишни, яъни самони тақиқламаган бўлса ҳам, бу нарса суфийларнинг диний ҳаётида камроқ бўлишини тарғиб қилди.

Абдулҳолиқ Гиждувоний ўз таълимотининг саккиз асосий қоидадини ишлаб чиқди. Кейинчалик Баҳоуддин Нақиббанд (1318—1389) бу қоидаларнинг барчасини қабул қилиб, унга

узи уч қондани қўшиш билан янги суфийлик тариқати бўлган -- нақибандия ёки Нақибандия-хожагонга асос солди.

Хожагонлар тариқати биносининг асоси ҳисобланган саккиз қондани Хожа Абдуллоҳиқ қўйидагича ифодалаган: Ҳушлар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилвати дар анжуман, ёлкард, бозганг, нигоҳдонг, ёлдонг.

Булардан ўзга нарсаларнинг барчаси маънавлиқ ва ғурур ҳисобланади. Қолган учта қонда вуқуфи ададий, вуқуфи замоний ва вуқуфи қалбийдир.

“Ҳуш дар дам” демакнинг маъноси шуки, ичкаридан чиқётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши, нафлат унга ҳеч нўл топмаслиги керак.

“Назар бар қадам” дегани шуки, солиқ (тариқат йўлида юрувчининг) назари доим оёқ панжалари устида бўлсин, токи унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин.

“Сафар дар ватан”нинг маъноси шуки, солиқ одамийликнинг табиатида сафар қилади, яъни одамийлик сифатидан фаринга сифатига ўтади, ёмонлик сифатидан яхшилик сифати томон кўчади.

“Хилват дар анжуман”, яъни ташқи томондан халқ билан ички томондан Ҳақ билан бўлишдир.

“Ёлкард”, бу зикри лисоний (тил зикри) ёки зикри қалбий (дил зикри)дир.

“Бозганг” шундайки, зикр айтгувчи тили ёки дилида калима тоййиба (ла илаҳа)ни айтганда, бу калима орқасидан “Худовандо, менинг мақсудим сенсан”, сўзини айтгади. Бу бозганг калимаси ёмон фикрларни оламдан ҳайдовчидир. У зикрни холис қилади. Зикрни ўзга нарсдан озол этади.

“Нигоҳдонг” — ҳар хил фикрлардан халос бўлиш, ташқи оламдан ажратилш учун ингилитш бўлиб, калимаи тоййибани бир нафасда бир неча марта айтса ҳам, шу давр ичили хаёлни бошқа нарсаларга юбормаслик шартдир.

“Ёлдонг” шундайки, ундан мақсад Ҳақ субҳаноҳу ва таолони доимо завқу шавқ билан ёлда тугиб, огоҳ бўлишдир. Баъзилар уни “Ғойиб бўлмайдиган ҳузур” деган ибора билан ҳам атайдилар.

“Вуқуфи замоний”. Хожа Баҳаулдин буюрадилар: “Мурид босиб ўгувчи нўл бўлган вуқуфи замоний (замондан воқиф бўлиш) шундайки, банда доимо ўз аҳволдан воқиф бўлиши, ҳар бир лаҳзада унинг сифати ва ҳоли қандай,

шукрга лойиқми ёки узрга лойиқми, бундан огоҳ бўлиши зарур”.

“Вукуфи аладий”. Бу, зикрда алад (саноқ)га риоя қилин-дан иборатдир. Хожа Баҳоуддин буюрган эди: “Қалб зикрида аладга риоя этиш паришон бўлган хаёлларни қувиб, диққат-ни бир ерга жамлашдир”. Зикр айтувчи зикрни бир нафасда уч марта, беш марта, етти марта, то йигирма мартагача айтади, бунда тоқ сонларга риоя қилади.

“Вукуфи қалбий”. Бу икки маънони ўз ичига олади. Бири шуки, зикр айтувчининг дили Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан доимо огоҳ бўлади.

Иккинчи маъноси шуки, зикр айтувчи ўз тилидан воқиф бўлиши керак, яъни зикр пайтида мажозан дил деб аталувчи санобар барги шаклидаги бир парча гўштга бутун диққатини қаратиши лозим ва бу парча гўшт чап кўкракда жойлашган бўлиб, уни зикр айтишга мажбур ва машғул қилмоқ керак, уни зикр ва фикрдан юфил бўлишига йўл қўймаслик зарур. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин зикрда нафасни ичга ютиш ва алад (сон)га риоя қилишни лозим ҳисобламас эди, аммо айтилган икки маънони ўз ичига олган вукуфи қалбийни муҳим деб ҳисоблардилар ва лозим деб билардилар. Чунки, зикрдан кўзланган асосий мақсад вукуфи қалбийдир. Умуман, Абдулҳолиқ Фиждувонийнинг тариқатига эндигина эътибор бериб ўрганилмоқда, таълимотининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ очиш галдаги вазифалардандир.

БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ (1123—1197)

XII аср бошларида гўзал Фарғонанинг Марғилон шаҳрига тегишли Рингтон қишлоғида 1123 йили, ўз даврининг буюк фақиҳларидан бўлмиш Абу Бакр ибн Абдужалил ибн ал-Ҳалил оиласида соғлом ва истеъдодли бир гўдак туғилиб, ҳаёт майдонига қадам қўйди.

Уни Али ибн Абу Бакр деб атадилар.

Али ибн Абу Бакр ёшлигиданоқ оила аъзолари меҳру муҳаббатини қозониб ўзига хос хислатлари билан бошқалардан ажралиб турарди. Туғма истеъдод, табиий лаёқат, сезгир руҳ, тушунуш ва англаш учун ҳаракат унинг юриш туришидан кўзга ташланарди.

Отаси Абу Бакр боланинг биринчи мураббийи вазифасини ўз зиммасига олиб, уни камолга етказиш учун барча керакли шарт-шароитни яратиб берди.

Али ибн Абу Бакр ёшлигидан бор куч-гайрати, ижтиҳодини илм ўрганишга сарф этди. Ўша даврнинг машҳур алимлари, атоқли фақиҳ ва олимларидан дарс олди. Нафақат шариат илмлари, балки ўз даврининг барча ижтимоий-фалсафий фанларини ўзлаштириб, илмий ижод йўлига қалам қўйди.

У барча фанларни ўрганиш, барча соҳаларда асар ёзиш воситаси бўлган араб тили ва адабиётини ниҳоят олий меъёردа ўрганди. Унинг бу соҳадаги ажойиб лаёқати ва қобилиятини унинг асарлари, аниқса, “Ҳидоя” да кўриш мумкин.

Илм ўрганиш йўлида ёш олимнинг тинимсиз саъй-ҳаракати ва баркамол шахсияти қирраларининг очилиши барчанинг диққат марказида бўлгани учун, Шайхулислом, Имоми ҳумом ва Бурҳонуддин лақаблари унинг тўлиқ исми шарифи Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ибн ал-Ҳалил ал-Фарғоний ал-Марғинонийга қўшилиб айтиладиган бўлди.

Имоми Ҳумом деганда олий иродали ва юксак қимматли дин раҳбари назарда тутилади, Бурҳонуддин эса диний ишлар ва шариат илмлари бўйича ҳар бир сўзи ҳужжат ва бурҳон, яъни қатъий далил даражасида турган олимни ифодалайди.

Абдулҳай Лакнавий унинг насаби Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади деб таъкидлаган.

Ал-Марғиноний тинимсиз саъй-ҳаракат ва узоқ муддат сайру сафар жараёнида, ўша асрнинг илм даргоҳларига бориб эшик қоқди. 33 ёшида 544 ҳижрий (1150 милодий) йили ҳаж сафарига жўнаб, аввал Каъбатулло, сўнгра ҳазрат Муҳаммад (С.А.В.) қабрларини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлди.

Илоҳий ваҳй маркази Макка ва ислом давлатининг биринчи пойтахти, пайгамбар саҳобалари шаҳри бўлмиш Мадинада машҳур фақиҳлар, муҳаддислар ва муфассирлар билан учрашиб тажриба оширди.

Олим баракали сафар жараёнида Туркистондан тортиб Хуросон, Эрон, Ироқ ва Арабистон ўлкаларида таниқли олимлар билан суҳбат ўтказди. Ислом энциклопедиясида ёзилишича у, ўз ҳаёти даврида ўқиган ва кўрган нарсаларини ўша

даврда расм бўлганидек алоҳида дафтарларда ёзиб қайтган экан, лекин афсуски, ушбу қўлёзмалар бизгача етиб келмаган.

Ал-Марғиновийнинг илмий мақоми

Бурҳонуддин ал-Марғиновийнинг бундай юксак илмий даражага кўтарилиши, буюк фақиҳ ва ҳуқуқшунос бўлиб, ўз даврининг йирик алтомаси сифатида танилишига нималар сабаб бўлган эди?

Биз турли тилларда ёзилган турли манбалар ва унинг асарларини кўздан кечиргандан кейин, мазкур омиллар қўйилгилардан иборат деган хулосага келдик:

Биринчидан, Бурҳонуддин ал-Марғиновий олий истеъдод ва юксак тафаккур эгаси бўлгани ҳолда, илму фан шайлоси эди. Тинимсиз изланиш, янгиликларга интилиш, узилишга йўл қўймасдан лавомдор ўрганиш унинг ажралмас хислатларидан эди. Фанга қизиқиш уни узоқ сафарларга йўллаб, асосий фанларни ўзлаштириш учун имкон яратиб берди.

Иккинчидан, у яшаган давр Шарқ Ренессанси (уйғонинг даври) биринчи bosқичининг охириги юз йиллиги — XII аср, яъни Марказий Осиёда жамиятнинг тараққиёти ва фикҳ илми (ислом ҳуқуқи)га зарурат туғиладиган бир даврга тўғри келди. Шу сабабли фикҳ илми бўйича у яратган асарлар, айниқса “Ал-Ҳидоя” китоби, ушбу даврда тез-тез юз бериб турадиган янги-янги муаммоларни ечиб беришга қаратилган эди.

Учинчидан, Қорахонийлар даврида айрим сабабларга кўра, Хуросон билан алоқалар сусайгани гуфайти, Мовароуннаҳр олимлари ўзларига таянган ҳолда фикҳ илмига катта ҳисса қўла бошладилар. Қорахонийлар даврида 300 га яқин йирик фақиҳлар мавжуд бўлиб, 150 дан кўпроқ ҳуқуқий асарлар, 20 та фатоволар ёзилган эди, улардан 98 фоизи ҳанафий мазҳабига тегишли бўлган.

XII аср ва XIII аср бошларида биргина бухоролик Салрижаҳон Бурҳонуддин Муҳаммад ва унинг авлодлари ҳимоясида 600 фақиҳ ҳаёт кечириб, илмий фаолият билан машғул экан.

Бундай гуллаган муҳитда ҳаёт кечириб ал-Марғиновийга илмий ютуқларга эришиш учун кулай шароит яратиб берди.

Тўртинчидан, ал-Марғинонийнинг Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит мазҳабига мансублиги ҳам унинг камолот даражасига кўтарилиши учун катта омил бўлиб хизмат қилди. Негаки, Ҳанафий мазҳаби шариатнинг учта асосий манбаи, яъни Қуръон, Ҳадис ва Ижмодан кейин, тўртинчи манба бўлиши Қиёс, яъни ақлий манбага бошқа мазҳабларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратгани билан ажралиб туради. Шунингдек, Абу Ҳанифа мазҳаби қиёснинг иккинчи тури бўлиши истеҳсон, яъни қиёсни тарк этиб, одамлар манфаатига мос келадиган томонни устун қўйиш тамойилини жуда кўп қўллагани туфайли, кўп қулайликлар яратиб беради. Халқ ҳаётига сингиб кетган урфу одат ушбу мазҳабнинг қўшимча манбаи сифатида қўлланади. Турк энциклопедист олими Шамсуддин Сомийнинг машҳур асари «Қомусул-аълом»да таъкидланишича, у 60000 дан 80000 гача ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиб берган экан.

Ал-Марғиноний ушбу мазҳабнинг кенг доираси ичида сон-саноксиз ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш йўларини топиб олишга муваффақ бўлди. Раъй (Шахсий фикр) ва Қиёс (Таққослаб ўрганиш)га суяниш Марғинонийга ўз малакасини ошириб, ислом ҳуқуқи фалсафасининг туб моҳиятига етиб бориш ва эркинлик билан мазҳабнинг белгиланган ҳудудида фикр юритиш учун қулай имконият яратиб берди. Айрим олимлар уни мазҳаб доирасида Мужтаҳид деб билганлар.

Буюк алломаларнинг дарс ҳалқасида ўтириб таҳсил олиши, юрак ҳаракатдан қолмагунча сабрсизлик ва итироб билан ҳақиқатни қидириши “бешиқдан лаҳадгача илм ўргангиз” деган пайғамбаримиз ҳадисларига амал қилиш эди.

Ал-Марғиноний асарлари

Шайхулислом ал-Марғиноний кўп асарлар муаллифи. Уларнинг ҳар бири ўз ўрнида катта илмий аҳамиятга эга. Манбаларда қайд этилишича улардан бизга маълум бўлганлари қуйидагилардан иборат:

1. Нашрул-мазҳаб (Мазҳаб тарқалиши бўйича китоб).
2. Китобу ганосукил-хос, ёки фи-маносикил-ҳаж (Ҳаж ибодатига оид китоб).
3. Китоб фил-фароиз (Мерос масалалари ҳақида китоб).
4. Ат-тажнис вал-мазил (иккита ҳуқуқий муаммолар ечимига бағишлаб ёзилган китоб).

5. Мухгорот ан-навозил.

6. Мазидун фил-фуруьил –Ҳанафия (Ҳанафий мазҳаби бўйича фикҳ тармоқларига қўшимча).

7. Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг ал-Жомий а-лкабир номли асарининг шарҳи.

8. Бидоятул-мубтадий (Фикҳ илмига кириш учун бонланғич китоб).

9. Кифоятул-мунтаҳий (Тугатувчини қониқтирувчи китоб) — Бидоятул-мубтадийга ёзилган 8 жилдлик катта шарҳ.

10. Ал-Ҳидоя (фи фуруьил-фикҳ (Ҳуқуқ тармоқлари бўйича йўлланма) ал-Марғинонийнинг шоҳ асари бўлиб, “Бидоятул-мубтадий”га ёзилган тўрт жилдлик ўргача шарҳдан иборат.

Айтиб ўтилган 10 та асардан айримлари йўқолган, қолганларининг аксарияти турли кутубхоналарда мавжуд бўлиб, айримлари нашр этилган.

Мазкур асарларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, муаллиф учун катта шуҳрат, иззат ва ҳурмат келтирган, айниқса учта охири асарнинг ҳар бири, ўзига хос яратилиш тарихига эга. Биз бу ҳақда бир оз тўхталиб ўтамиз:

Муаллиф “Бидоятул-мубтадий”ни аш-Шайбонийнинг “Ал-Жомий ас-сағир” асари ва Ал-Қудурийнинг “Мухтасар” китобини бирлаштириб, ягона қисқартирилган фикҳий китоб шаклида ёзган ва уни ёзишда табарруқ бўлсин деб, аш-Шайбоний услубидан фойдаланган ҳолда масалаларни тартибга солган.

Муаллиф “Бидоятул-мубтадий”нинг ниҳоят қисқалигини эътиборга олиб, унга аввал 8 жилдлик йирик шарҳ ёзди ва уни “Кифоятул-мунтаҳий” (“Яқунловчини қониқтирувчи китоб”) деб атади. Бироқ, кейинчалик саккиз жилдлик бу йирик ҳажмли шарҳдан фойдаланиш мураккаб бўлади деган фикрга боради ва уни қайтадан ўргача андозага солиб қайта ёзиб чиқди. Ушбу асарни ёзиш муаллиф учун осон кечмади. Шайх Акмалуддиннинг қайд этишича, бу иш унинг 13 йиллик ҳаётини қамраб олган. Муаллиф янги асарни яратиш учун ўзининг бутун куч ва истеъдодини ишга солди. Лақнавийнинг манбаларга таяниб ёзишича, у 13 йил (асарни ёзиш муддати) давомида рўза тутарди. Чунки рўза инсонга руҳий куч бағиштайди ва фикрни жамлашга ёрдам беради.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний “Ал-Ҳидоя” асарида ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида фақат тўртга асосий

мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофийий ва ҳанбалий)гагина эмас, балки ҳозирча ўз ўрнини бошқа мазҳабларга бўшатган Зоҳирий ва Авзоъий мазҳабларига доир фикру мулоҳазаларни ҳам ўрни келганда текшириб ўтади ва ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан “Ал-Ҳидоя” буюк ватандошимиз Абу Зайд ад-Дабусий томонидан асос солинган “Илмул-хилоф”ни кенг қўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади. Айни ҳолда уни охириги даврда янги бир фан сифатида юзага келган “қийёсий ҳуқуқ”нинг ўзига хос амалий бир шакли деб эътибор бериш мумкин. Шунингдек, бу асарни ислом ҳуқуқи фалсафаси ва кейинги даврларда кенг ривожланган “ҳуқуқ фалсафаси” фанининг манбаларидан бири деб қабул қилсак, тўғри хулоса чиқарган бўламиз.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг шоҳ асари бўлмиш “Ал-Ҳидоя” энг муътабар ҳуқуқий қўлланма сифатида саккиз асрдан буён бугун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон ярим ороли, Туркия, кўпгина араб мамлакатлари ва барча ислом ўлкалари учун энг дақиқ ва ишонарли манбалардан бири вазифасини ўтаб келмоқда.

“Ал-Ҳидоя” Миср Араб Республикасидаги энг қадимий дорулфунун “Ал-Азҳар”, Афғонистон Ислам дорулфунуни, Қобул дорул-улуми, Ҳиндистон Алигарҳ университети, “Девбанл” дорул-улуми, бошқа ислом мамлакатлари олий ўқув юр்தларининг ўқув дастурларига киритилган. Бу улуғ китоб қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун асосий манбалардан бўлиб қўлланиб келинмоқда. “Ал-Ҳидоя” ва унинг қисқартмалари устидан ёзилган шарҳлар сони 50 дан ошади.

“Ал-Ҳидоя” 1776 йили ҳиндистонлик таржимон Фулом Яҳёхон томонидан форс тилига таржима қилинди. Ушбу таржима 1807 йил Калкутта шаҳрида чоп этилган. Таажжуб жойи шундаки, “Ал-Ҳидоя” биринчи марта араб ёки форс тилида эмас, балки инглиз олими Чарльс Хамилтон таржимаси асосида инглиз тилида 1791 йил Лондонда нашр этилган. Охириги марта инглиз таржимаси 1982 йил Лоҳурда босмадан чиққан.

Рус олими Гродеков “Ал-Ҳидоя”ни инглизчадан рус тилига таржима қилиб, 1893 йил Тошкентда нашрдан чиқарди.

“Ал-Ҳидоя”нинг русча таржимаси нусхалари камайиб, йўқолиш даражасига етган эди. Шу сабабли, 1994 йили про

фессор Акмал Саидов томонидан унинг биринчи жилди катта миқдорда нашр қилиниши фоят муҳим ва хайрли иш бўлди.

“Ал-Ҳидоя”нинг араб тилидан ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржимаси Салюҳилдин Муҳиддинов раҳбарлигида амалга оширилиб, биринчи жилди 2000 йил чоп этилди.

Манбаларда зикр этилишича, ал-Марғиноний кўпроқ мулдат Самарқандда истиқомат қилган, умрининг охиригача ўша ерда ижод билан шуғулланиб, сешанба кечаси, зул-ҳижжа ойининг 14 куни 593 ҳ.й. (1196—97 м.й.) Самарқандда ҳаётдан кўз юмган. Шомий “Раддул-мухтор”да ёзишича 400 га яқин Муҳаммад номли олимлар дафн этилган “Турбатул-Муҳаммадийинг” (ҳозирги Чокардиза ҳудуди) қабристонига дафн этилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бурҳонуддин ал-Марғиноний ислом ҳуқуқшунослиги тарихида чуқур из қолдирган, XII асрдан буён дунё ҳуқуқшунослари диққатини ўз ватани Риштон, Марғилон, Фарғона — Ўзбекистонга жалб этиб келган буюк ашмо ва иқтидорли фақиҳдир. Унинг шох асари — “Ал-Ҳидоя” китоби, мумтоз фикҳий асар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

НАЖМИДДИН КУБРО

(1145—1221)

XII—XIII асрлар тасаввуф оламининг ёрқин юлдузларидан бири Нажмиддин Кубро Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий 540 ҳижрий (1145 м.) йили Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилиб вояга етган эди.

Абулжанноб кунyasi. Нажмиддин, ат-Томматул-кубро ва Валитарон шайх (валилар етиштирувчи шайх) лақаблари билан шуҳрат қозонган бу мутафаккир, ориф ва суфий, фақатгина тасаввуфга хос бўлган таълимотлар билан чекланиб қолмай, ўз замонасининг барча илм-фанларини ўзлаштириш йўлида машаққатли сафарлар қилиб, шаҳардан шаҳарга билим изидан юрди, “Илм Хитойда бўлса ҳам, уни излаш” ва “Бешикдан лаҳалгача билим ўрганинг”, деган ҳадислар мазмунига чин кўнглидан ишонган бу илм шайхдоси ҳаётининг охириги дақиқаларигача ушбу йўлдан озмади.

Нажмиддин Кубро ёнлигидан сафарга қизиқиб, кўн ўлкаларни кезади ва Мисрга борали, у ерда машҳур суфий шайх

Рўзбехон Ваззон ал-Мисрий билан танишиб, унга иродат қўлини беради ва унинг назари остида оғир риёзат босқичларини ўтади.

Ёш Аҳмад ибн Умар ўз иродаси, истеъдоди ва қатъийлиги билан шайхнинг диққатини ўзига тортиб, унинг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлди ва кўп ўтмай унинг қизига уйланди, бир неча йил Мисрда яшаб, Рўзбехон қизидан икки-та ўғил кўрди.

Нажмиддин Кубро илм излаб Табриз шаҳрига боради ва у ерда имом Абу Мансур Ҳафла деган калом олимидан дарс олади. Шунингдек, Табризда шайх Бобо Фараж Табризий, Аммор Ясир, Исмоил Қасрий каби улкан мутасаввиф донишмандлардан тасаввуфга оид кўпгина зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллайди. Нажмиддин Кубро Исмоил Қасрийнинг қўлидан хирқа кийиб, ўзининг биринчи шайхи Рўзбехон ал-Мисрий ёнига қайтиб боради.

Шайх Рўзбехон Нажмиддин тасаввуф асосларини бутунлай англаб олганини кўриб, уни она юрти Хоразмга бориб, тасаввуф таълимотини тарқатиш йўлида фаолият кўрсатишга даъват қилади. Нажмиддин унинг буйруғига биноан, ўз оиласи билан, она юртига қайтиб келди. У ерда жойлашгандан кейин бир хонақо таъсис этиб, манбаларда “ат-Тариқат-туз-заҳабия”, яъни “Олтин тариқат” номи билан ҳам зикр этилган. Кубравия тариқатига асос солди ва ушбу тариқатга оид ирфоний таълимотларни таъқин эга бошлади.

Кўп ўтмай, янги тариқат асосчисининг теварагида кўплаб шоғирд ва муридлар йиғилиб, бу йўлга қадам қўйдилар. Улардан XII—XIII асрларнинг бир қатор машҳур суфийлари камолга етишиб, мурид ва вали сифатида танилдилар.

Али Акбар Деҳхудонинг машҳур “Луғатнома”сида келтирилишича, беҳад зийракликлари ва туғанмас заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масалани сўралганда ҳал қилиб бериб у киши билан баҳс-мунозара қилган киши устидан ғолиб чиқар эдилар, шу боис у кишини «ат-Томматул-Кубро» (буюк офат) деб атаганлар. Шамсиддин Сомийнинг ёзишича, бора-бора “ат-Томма” сўзи сўзлашув жараёнида тарк этилиб, “ал-Кубро” (буюк) сўзи унинг лақаби, яъни Нажмуддин Кубронинг ажралмас қисми бўлиб келмоқда.

Абулжанноб кунyasi билан аталишларига сабаб эса, у кишининг дунёвий икир-чикирлардан узоқ турганликлар эди.

Ул зотнинг “Валитарон” (“Валийларни парваринлаб ешти-тирувчи”) деб аталышлари умрлари давомида ўн икки ки-шини ўз муридликларига қабул қилиб, уларнинг барчасини шайх даражасига етказганликларидадир.

Нажмиддин Кубронинг Хоразмдаги сўнги ҳаёти ўта оғир, шиддатли ва мураккаб шароитда кечеди. Бу даврда турли ички ва ташқи омиллар туфайли мўғулларнинг Туркистонга қилаётган ҳамлалари кучайиб, Чингизхон лашкарбошилари Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарларни бирин-кетин беаёв босиб олишга муваффақ бўлган эдилар. 1221 йилнинг июл ойида Чингизхон лашкарбошилари билан Хулагухон ўзининг ёш ўғли, тумонат ланкари билан Урганч қалъасини ўраб олади. Урганч шаҳри қамал ичида қолиб, аҳоли ниҳоят-да оғир шароитда азоб чекаётган бир аснода мункилаб қолган, етмишдан ошган Нажмиддин Кубро халқ орасидан лашкар тўшлаб, қўлида қурол билан қалъани бир неча кун давомида душман ҳамдаларидан сақлаб туради. У мўғул босқинчиларига қарши ўз муридлари билан шиддатли жангга кириб, шаҳид бўлади. Ушбу воқеа 10-жумодул-аввал 618 ҳижрий — 1221 милодий йилнинг июл ойида содир бўлган эди.

Манбаларда айтилишича, Чингизхон шайх Нажмиддин Кубронинг машхурлигини эшитиб, Хоразмга ҳужум қилишдан олдин, у кишига чонар юбориб, “Мен Хоразмни қатлиом қилмоқчиман, шунинг учун Сиздек улуғвор шаҳс шаҳарни тарк этиб, ундан чиқиб кетишингизни сўрайман”, деган. Аммо шайх унга жавобан: “Мен етмиш олти йил умрим давомида хоразмликлар билан турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тогганман. Энди улар бошига бало-қазо ёғилаётган пайтда қочсам мурувватдан бўлмайди”, деган. Бу воқеа 618 ҳижрий — 1221 милодий йилида рўй берган.

Нажмиддин Кубронинг қабри борасида манбаларда зиддиятлар мавжуд. Баъзилар, масалан, доктор М. Муин унинг мозори мавжуд эмас деса, араб сайёҳи Ибн Баттута ўз саёхатномасида қўйидагидек маълумот беради: “Хоразмдан чиқаверишда бир зовия бор. У энг буюк авлиёлардан бири бўлмиш Нажмиддин Кубро қабри узра бунёд этилган. Бу ерда зиёратчилар учун таом тайёрланади. Хоразмнинг обрўли кишиларидан бўлмиш мударрис Сайфиддин ибн Асаба зовияда шайхлик қилди”

Нажмиддин Кубро бир неча илмий асарлар ва рубоийлар ёзган. У ўз қарашларини араб тилида ёзган бир қатор рисоаларида баён қилган. Улардан асосийлари: “Шарҳ ас-суннати вал-масолиҳ” (Суннат ва эзуликлар шарҳи), “Ал-усул ал-ашара” (Ўнга асосий қоида), “Рисолатун фис-сулук” (Сулук ҳақида рисола), “Рисолатут-туруқ” (Худоба эришиш йўллари ҳақида рисола), “Таволиъут-танвир” (Ёритиш юлдузлари, ёғду манбалари), “Фавотиҳул-жамол” (Гўзаллик боғланишлари), “Ал-хоиф ал-ҳоим ан лавматил-лоим” (Маломат қилувчининг маломатидан қўрққан ошиқ), “Ҳидоятут-толибин” (Изланувчиларга тўғри йўл кўрсатиш), “Одобул-муридин” (Муридлар одоби), “Сакинатус-солиҳин” (Солиҳ кишиларнинг виқор ва ороми), “Вусулу ила Аллоҳ” (Аллоҳга эришиш), “Минҳожус-соликин” (Солиқларнинг йўл-йўриқлари), “Истилоҳус-суфия” (Тасаввуф истилоҳлари-атамалари), “Одобус-сулук” (Сулук одоби ҳақида), Таф-сир (12 жилдлик).

Нажмиддин Кубронинг кўп йиллар давомида йиққан маълумотлари, турли фанлар соҳасида эришган муваффақиятлари, унинг кенг қўламда қўлга киритган тажрибалари натижаси сифатида “Кубровия” тариқати юзага келди. Ушбу тариқат унинг асосчиси томонидан “Тариқуш-шатор”, яъни бебоклар, қўрқувсиз ва парвосизлар йўли деб ҳам аталган. Нажмиддин Кубро “Рисолатут-туруқ” асарида ўз тариқатининг 10 та асосий қоидасини изоҳлаб бериб, бошқа йўлларга иисбатан унинг юксаклиги ва ҳақиқатга яқинлигини таъкидлайди. Рисола қуйидагидек боғланади: “Тангрига бориш йўллари халойиқ нафаси сонига тенгдир. Биз шарҳламоқчи бўлган йўлимиз йўлларнинг энг аниғи, энг яқини ва энг тўғрисиدير”.

Шундан кейин муаллиф сонсиз йўлларни учта асосий йўлга ажратади. Уларнинг ҳар бирини унга хос бўлган хусусиятлари билан изоҳлаб ўтади ва учинчи йўл ҳақида қуйидагидек маълумот беради:

“Йўлларнинг учинчиси Аллоҳга қараб юрувчилар ва у томонга учувчилар йўли бўлиб, ҳақиқатда жазбага берилган шаторлар (бебок, қўрқувсиз ва парвосиз кишилар) йўлидир. Ушбу йўлнинг бошида (Ҳаққа) эришганлар сони бошқа йўлларнинг охирига бориб эришганлар сонидан кўпроқдир”.

“Кубровия” тариқатининг ақидасига кўра, ушбу йўлни

танлаган инсон ўз ихтиёри билан ўзида сингиб кетган ҳавас ва истакларидан воз кечиши ва Ҳақни истиш мақсадида маълум риёзатли йўлларни босиб ўтиши зарур. Бунинг учун эса, ҳар бир киши ўн асосга таянмоғи керак:

1. Тавба.
2. Зуҳд фид-дунё.
3. Таваккал.
4. Қаноат.
5. Узлат.
6. Мулозамагуз-зикр (Узлуксиз зикр).
7. Таважжуҳ.
8. Сабр.
9. Мувоқабат (Тафаккурга ғарқ бўлиш).
10. Риёз.

Бу ўн асосга таянган кишининг номи ўлмайди, барҳаёт яшайди.

Нажмиддин Кубро шаҳид бўлгандан сўнг, унинг таълимоғини шогирдлари давом эттирдилар. Улар Марказий Осиё Кубровия мактабини вужудга келтирдилар. Ташкилий жиҳатдан Кубровия хонақоҳларида ўз-ўзини бошқарадиган озол анжуман бўлиб, унинг бошида халифа турар эди. Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган ана шундай хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталарди. Бу ердаги Кубровия жамияти XVIII асрнинг охиригача фаол иш кўриб, унинг аъзолари Кубро ғояларини Хитойнинг ғарбий чегараларигача ёйдилар. Кубронинг бошқа шогирди, 1252 йилда вафот этган Саъиддин Ҳамавий Хуросоннинг Баҳрабод деб аталган масканида хонақоҳ барпо қилиб, унинг атрофида тўғарак ташкил этди.

Шундай қилиб, Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг ривожини ва бутун мусулмон Шарқда кенг тарқалишида катта рол ўйнади. Унинг номи ислом оламида машҳур бўлди.

БАҲОУЛДИН НАҚШБАНД (1317—1389)

XIV асрнинг иккинчи ўн йиллигида Баҳоул-хаққи валдин лақаби билан шуҳрат қозонган бухоролик машҳур сўфий

Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд (1317—1389 й.) “Нақшбандия” тариқатига асос солиб, ўз тасаввуфий таълимотини ҳаёт билан чамбарчас боғлашга ҳаракат қилди.

Баҳоуддин Нақшбанд 1317 йилда Бухоро ёнидаги Қасри Ҳиндуён қишлоғида туғилган. Кейинчалик Ҳазрати Нақшбанд шарофати билан бу қишлоқ “Қасри Орифон” деб атала бошланган. У ўз отаси билан биргаликда кимхоб (атлас) тўқиш билан шуғулланиб, газмол юзига маҳорат билан чиройли нақшлар чизарли. Баҳоуддин Нақшбанд аввал мутасаввиф олим Хожа Муҳаммад Бобои Самоси гарбиясида, сўнгра унинг шогирди Саййид Мир Кулол қарамоғида таълим олади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг маноқибларини ёзган Муҳаммад Бокир ўз китобида берган маълумотларга кўра, Нақшбанд деҳқончилик билан ҳаёт кечирар экан. Шунингдек, маноқиб муаллифи, унинг шогирдларидан бири бўлмиш Хожа Алоуддин Огтордан бир ажойиб можарони ҳикоят қилади. Унга кўра Баҳоуддин Нақшбанд бир ажойиб ҳодиса натижасида олти йил туркларнинг машҳур машойихларидан бири бўлган Халил Ато хизматида бўлади. Халил Ото (Султон Халил) Мовароуннаҳр подшоҳлигига кўтарилгандан кейин ҳам, олти йил унинг мулозаматида бўлади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: “Олти йил унинг мулозими бўлиб хизмат қилдим, шоҳлар хизматида бўлиш одобини ўргандим, уни кўп одоб билан ҳурмат қилардим, бўшлиқ пайтида унинг хос маҳрами мен эдим. У менга баъзан қаттиққўллик ва баъзан эса меҳрибонлик билан лутфу марҳамат кўргазди.

Шундай қилиб, у Халил Ото билан тасаввуфий муносабатлардан ташқари, энг муҳим дунёвий ишлар, яъни давлатни идора қилиш ишларида иштирок этиб, ўз амалий ва ҳаётий фалсафаси учун энг яхши ўрнак бўлиб келди.

Баҳоуддин Нақшбанд умри бўйи деҳқончилик билан кун кечириб, ўз қишлоғида унча катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экар экан, ўз уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Қишда қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган. Унинг уйида ҳеч қачон хизматкор ҳам бўлмаган. Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. Зеро, бу тариқатнинг асл ақидаси — “Дил ба ёру, даст ба кор”, яъни “доимо кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда”, деган ғояни илгари суради. У ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган,

тошпан туганларини егим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, ҳукмдорлардан доимо ўзини йироқ тутган, улар олдиди ҳеч қачон тамағирлик қилиб яшаманган.

Нақибандия тариқати “сафар дар ваган”, “хилват дар анжуман”, “дил ба ёру даст бакор”, “хун дар лам, назар бар қалам” каби ҳам ирфоний, ҳам амалий-ҳаётий шиорларга асосланган.

Ушбу усулларни ёритиб изоҳлаш учун унинг шотирлариди, халифалариди ва мухлисларидан кўп кишилар турли асарлар ёзиб қолдиришлар. Улар орасиди Хожа Убайдулло Аҳрор, Хожа Муҳаммад Порсо, Маҳдуми Абзам ва Абдурахмон Жомийлар ёзган асарлар катта аҳамият касб этади.

Нақибандия таълимоти ўз ҳаётийлиги, соддалиги ва амалийлиги учун аста-секин бутун Туркистон, қадимий Хуросон (қисман ҳозирги Афғонистон)ни ва XVI—XVII асрлардан бошлаб Ҳиндистонни ўз таъсири остига олди. Унинг таъсирини айниқса, адабиётда XV асрдан бошлаб ҳозирги давргача яққол кўриш мумкин.

Афғонистонлик машҳур муаррих М.Губор “Афғонистон тарих ўзанида” номли китобида айтишича, “бу тариқатнинг энг комил намояндаларидан Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоий ҳисобланади. Улар бири факру тақво либосиди, ахлоқ ва маланиятни тарқатиш йўлида хизмат қилган бўлса, иккинчиси эса амирлик ва раислик (раҳбарлик) мақомида туриб, илму фанни ривожлантириш йўлида фаолият олиб боради”. Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Лисопут-тайр” асарида ҳам Нақибандия таълимоти ўз аксини тошган. Асарда шайх Атторминг ваҳдат фалсафасига асосланган “Мантукут-тайр”идаги фикрларни ижодий шаклда талқин этиб, қаландарчилик руҳи ва таркидунёчиликка танқидий ёндашди, каромат даъвосини қилиб юрган кимсаларни аёвсиз фож этади.

XV асрнинг кўп олим-фозиллари, давлат арбоблари, санъаткорлари Нақибандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижобий муносабатда бўлдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) даврида, ундан кейинги XVI—XVII асрларда бу жараён анча тезлашади. Нақибандия тариқати XVI асрда Хожа Муҳаммад ал-Боқий Кобулий (ваф. 1605) Ҳиндистонга боргандан сўнг, Ҳинд тупроғида ҳам авж олади. Бу машҳур мугасаввиф олим Афғон ва Ҳинд юрларида Хожа Боқибилло номи билан машҳурдир. Унинг

погирди Хожа Аҳмад Форук Сарҳиндий (1563—1624) эса Нақшбандия таълимотининг XVII асрда Ҳиндистонда ёйилишида катта рол ўйнаган.

Шундай қилиб, бизнинг табаррук юртдошимиз Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асос солинган нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгалтайди. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибодни қатъиян қоралайди. Бу таълимот тарафдорлари таркидунёчиликка қарши, бой-зодатонларнинг зулмига қарши бўлганлар, фақат ўз қўл кучи, пенсона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар. Нақшбандийлар савдосотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадиий адабиёт, муסיқа, илм-маърифат, ҳаттотлик, наққошлик, миниатюра-созлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандни Марказий Осиё халқлари жуда юксак қадрлайдилар. Халқимиз ул Ҳазратта баланд эътиқод қўйиб, “Баҳоуддин балоғардон!” дея беҳад эъзозлайди. Унинг умумбашарий илғор фикрлари бизнинг давримизга ҳамоҳанг бўлиб, келажак учун хизмат қилади.

ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР (1404—1490)

Хожаи Аҳрор (Эркин кишиларнинг сардори) ва Носируддин (Диннинг ёрдамчиси) лақаблари билан шуҳрат қозongan Хожа Убайдуллоҳ нақшбандия тариқатининг буюк муршидларидан ҳисобланади. У нақшбандия тариқатининг назарий, амалий жиҳатларини бойитиб, бу таълимотнинг машҳур бўлишига ҳисса қўшган тарихий шахседир. Хожа Аҳрор 806 ҳижрий йилнинг рамазон — 1404 милодий йилнинг март ойида Шош — Тошкент вилояти музофотларидан бўлган Бонистонда дунёга келган. Отаси Хожа Маҳмуд ҳам, бувалари ҳам маърифатли кишилардан бўлиб, деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланганлар. Она тарафидан Хожа Аҳрор машҳур Шайх Хованди Таҳурга бориб уланади.

Хожа Аҳрор бошланғич маълумотни Тошкент мадрасаларида олди. 12 ёшлигида тоғаси Хожа Иброҳим уни Са-

марқандга олиб боради. Бу ерда у турли фанлардан таълим олади. Хожа Аҳрор кўпроқ тасаввуф илмига қизиқар эди. Шу мақсадда 24 ёнида Ҳиротга боради, у ерда истиқомат қилувчи турли тасаввуф тариқатлари вакиллари билан учрашиб туради. Улардан бири машҳур ориф ва шоир табризлик Саййид Қосим Анвор (вафоги 1433 й.) эди. Шунингдек, Хожа Аҳрор Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Ҳавофийлар хузурда ҳам бўлади. Сўнгра у Чағонийнинг Хуллату мавзеида истиқомат қилувчи Хожа Баҳоуддин Нақибанднинг шогирди бўлган Яъқуб Чархий (ваф. 1447й.) га кўл бериб, ундан нақибандия тариқати асосларини ўрганади. 1431—1432 йиллар орасида Хожа Аҳрор Тошкентга қайтиб, нақибандия тариқатининг давомчиси сифатида танилиб, айни вақтда леҳкончилик ва тижорат ишлари билан машғул бўлади.

Манбаларда кўрсатилишича, Хожа Аҳрорнинг хўжалик фаолияти тез орада жуда кенг ривожланади. Унинг ерлари Тошкент вилоятидан то Амударё соҳилларигача бўлган ҳудудларни эгаллаган 1300 дан ортиқ экинзорлари бўлган. Шунингдек, савдо-соғиқ масалаларида ҳам Хожа Аҳрор нафақат Мовароуннаҳр ҳудудида, балки Хуросон, Ҳиндистон томонларида ҳам савдо қилган. Хожа Аҳрор ўз хўжалик фаолиятидан олган даромадининг кўп қисмини аҳоли бошига тушқан оғир солиқларни тўлаш, диний ва маданий қурилишларни амалга ошириш каби ишларга сарфлаган. Чунончи, Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисидан 250000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганида, Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини тўлаб, яна 70000 динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширган. Шунингдек, у ўз ҳисобидан Самарқанд, Тошкент ва Кобулда ҳам мадрасалар қурдиргани ҳақида манбаларда қайд этилади.

Темурийлар сулоласининг, барча вакиллари Хожа Аҳрорга ҳурмат назари билан қараб келганлар. Айниқса, Мирзо Абу Саид Кўрагоний ва унинг авлодлари томонидан унга кўрсатилган ҳурмат бошқа бирон шайхга муяссар бўлган эмас. Ривоятларга кўра, Хожа Мирзо Абу Саидни шоҳлик мақомига кўтариллишини башорат қилган экан. Хожа Аҳрор шоҳ илтимосига биноан Марв шаҳрига сафар қилган чоғида, шоҳ кўп масофа йўл босиб уни кутиб олган экан.

Хожа Аҳрорнинг мамлакатдаги сиёсий жараёнларда иштироки 1454 йилга оид бўлиб, шу йили Хуросон ҳокими Абулқосим Бобур Самарқандни қамал қилганида у шаҳар

ҳимоячиларига бош бўлиб, душманни сулҳ тузишга мажбур этади. Шу билан унинг мамлакатда osoйишгалик урнатилишига қаратилган сиёсий фаолияти умр бўйи давом этади.

Ҳожа Аҳрор Валий 1490 йилда вафот этган ва Самарқандда дафн этилган.

Ҳожа Аҳрор қаламига мансуб уч рисола бизгача етиб келган. Улардан бири “Фақаротул-орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”) номи билан машҳур бўлиб, унда Ҳожа Аҳрорнинг ва баъзи бошқа тасаввуф намояндаларининг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Иккинчи рисола — “Волидия” деб аталган бўлиб, унда тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-олоби, фақр ва фано тушунчалари ҳақида сўз боради. Ушбу рисола ни Заҳриддин Муҳаммад Бобур форс тилидан ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Учинчи рисола — “Ҳавроия” деб аталиб, машҳур мутасаввуф шоир Абу Саид Абулхайрининг “Ҳавро” (“Хурлар”) ёки “Фаришгалар”) сўзи билан бошланувчи бир рубойисини шарҳлашга бағишлаган.

Шунингдек, Ҳожа Аҳрорнинг ўз замондошларига ёзган анчагина руқъа-номалари ҳам бизгача етиб келган. Улардан энг муҳими “Мажмуаи мурсалот” деб номланган XV аср дастхатлар тўплами таркибига киритилган руқъалардир. Тўпلام Алишер Навоий буйруғи билан тузилган ва иунинг учун “Навоий тўплами” деб ҳам аталади. Унда Ҳожа Аҳрорнинг 128 дона руқъалари мавжуд. Улар Самарқанддан Ҳиротга — Ҳусайн Бойқарога ва аксари Алишер Навоийга ёзилган.

Ҳожа Аҳрор Туркистон ва Хуросонда тугган юксак сиёсий ва ижтимоий мақомидан ташқари, ирфоний ғоялари ва қимматбаҳо асарлари билан ҳурмат ва обрўта са ювор эди. У ўзининг сермазмун асарлари, жумладан, “Калимот кулсия”, “Малфузот”, “Фақарот аҳрория”да Нақшбандия тариқатига доир таълимотни кенг кўламда ёритиб берали. “Ваҳдатул-вужуд” ва “Ваҳдатун-шуҳуд” ўртасида турган Нақшбандия таълимотини кўпроқ “Ваҳдатул-вужуд” томонга йўналтиради. Имоннинг ҳақиқати эҳсондир, эҳсон эса Худони кўралигандек бўлиб, унга сифинишдир, дейди Ҳожа Аҳрор. Унинг фикрича, бутунлай ушбу мақомга эришиб, Худодан бошқа нарсалар муҳаббат пардаси, ҳақиқат нури орқали ўртадан кўтарилиб, инсон ҳақиқий яратувчисидан бошқа нарсаларни унутади ва унинг назарида фақат бир зот қолади.

Ҳожа Аҳрор ўз таълимотини асарларида акс эттирган.

Унинг бир туркум хатларида шариат қонун-қоидаларини мустаҳкамлаш, бу орқали мамлакатда адолат ўрнатиш, оддий раиятга жабру зулм қилишдан қайтариш, адолатсизликка учраган жабрлийдага ёрдам кўрсатиш каби фикрлар ифодаланади. Хожа Аҳрор мусулмонлар бошидан жабр-зулмни даф этмоқ учун дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини Нақшбандия тариқатининг вазифаларидан деб ўқтиради. Хожа Аҳрор сарой хизматидан воз кечмоқчи бўлган Атишпер Навоийга хат ёзиб, айтади. "... Эшитишимча, онҳазрат, яъни султонга мулозимат қилишдан гоҳо маломат чекар экансиз. Илтимос шуки, мусулмонларга мадад етказмоқ ва бирор фақирнинг дили мушкулликдан халос топиб, шод бўлмоғи учун хотири шарифингизни сарой хизматидан узманг... Бирор киши ҳам мусулмонлар гамини ейишни ўйламай қўйган бу вақтда уларга гамхўрлик қилиш — энг хайрли ишдир!..".

Шундай қилиб, Хожа Носируддин Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ўзидан қолдирган катта маънавий мероси нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда, балки Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа ислом мамлакатларида, барча тасаввуф ва маънавият мухлислари қалбидан ўрин олиб, файъ ва барака манбаи бўлиб келган. Унинг номи чуқур эҳтиром ва эъзозга эга бўлгани ҳолда Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар халқлари орасида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилаверади.

МУЎҚАРИЖА

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Б. Абдуҳалимов	3
Имом ад-Доримий. У. Уватов	5
Аҳмад ал-Фарғоний. Б. Абдуҳалимов	8
Ал-Ҳаким ат-Термизий. А. Мансур., А. Абдуллаев	10
Имом ал-Бухорий. У. Уватов	13
Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. У. Уватов	18
Абу Мансур ат-Мотуридий. А. Мансур	21
Ал-Ҳаким ас-Самарқандий. У. Уватов	25
Абу Бакр ан-Наршахий. У. Уватов	28
Қафқол аш-Шошӣ. А. Мансур	30
Абул-Лайс ас-Самарқандий. А. Абдуллаев	32
Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Р. Баҳодиров	38
Абу Али ибн Сино. Б. Абдуҳалимов	41
Абу Райҳон Беруний. Б. Абдуҳалимов	44
Абул-Муъин ан-Насафий. У. Уватов	47
Маҳмуд аз-Замахшарий. З. Исломов	52
Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. М. Қодиров	58
Бурҳонуддин ал-Марғиноний. А. Жўзжоний	61
Нажмиддин Кубро. А. Жўзжоний., З. Исломов	67
Баҳоуддин Нақибанд. А. Жўзжоний	71
Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. А. Жўзжоний., З. Исломов	74

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ

*«Тошкент ислом университети» нашриёти
Тошкент — 2002*

Муҳаррир *Л. Маҳмуд, С. Очилов*
Мусаҳҳиҳ *А. Зиёдов*
Бадий муҳаррир *Ш. Ҳасанов*
Техник муҳаррир *Ж. Бекиева*

Теринга берилди 10.07.2001 й. Босишга рухсат этилди 03.2002 й.
Бичими 84×108 ¹/32. Шартли босма табағи 4,0. Нашр табағи 3,0.
Адади 3000. Букортма № 145. Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёти. Тошкент,
А Қолирий кўчаси, 11. Шартнома №07-19-01

«MERIYUS» ХМНК. Тошкент шаҳар,
Усмон Носир кўчаси, 158-уй.